Усуни давлати (烏孫國, хозирги замон ўқилиши Wu sun guo) Уа шун гуо) – қадимда Усуни атамасининг биринчи у (烏孫) қозини «а» ёки «ш», иккинчи сун (孫) нероглифи «sun» қозини. Шу боис хозирги пайтда «усун» деб ўқилаётган атама, қозинда «a-sun», бошқача «u-sun» деб талаффуз этилган. Қозинлар Усуни атамасини хозир пайтдаги туркий кабилаларининг қозини «үйсун» ёки «үйшун» атамасининг хитой тилидаги шаклидиги деб хисоблашади. Уйгурча таржимда 乌孙 атамаси «шун» деб берилган (Бан Гу. Ғарбий юрт тақираси II, Ханнома. Тошкент, 1994. 901-953-б.). Усунилар хитой манбаларидаги маълумотда дастлаб хунлар билан биргаликда Хуангхэ қозининг ўрта оқимда шимолида истикомат қилган. Улар

Фарғонадан ўтиб, Бактрияга хужум қилган ва уни ўзини қарам қилиб олган. Пойтахти Балх шаҳри эди. Бактрия дегани, тўхорлар деганидир. «Эфтал» (𐬎𐬀𐬎𐬎) деган сардорнинг фамилияси бўлиб, кейинчалик давлатнинг номи бўлиб ўзлашган ва «эптал» деб аталадиган бўлган. Яна «эптил» деб ҳам аталади. Уларнинг урф-одаглари туркларникига ўхшаб кетади. Тяньбао йиллари саройга элчи юбориб совға йўллаган.

Термиз (𐰽𐰺𐰍), Термиз деб ҳам аталади. [Ушбу манзилдан] кунботиш тарафдаги Табаристонга ва жанубий томондаги араблар еригача бир ойлик йўл ҳисобланади. [Термиздан] шимолий тарафдаги Тилон шаҳрига етиб бориш учун 20 кун юрилган. Кунботиш тарафдаги араблар ерига қадар бир ойлик, Уксуе дарёсининг шимолий тарафида қатта сахро бўлиб, хар хил ёввойи ҳайвон, жумладан шерлар кўп учрайди. Бу жойнинг шимоли-ғарбий тарафидан Шаҳрисабз шаҳри билан четарадош бўлиб, Шаҳрисабз билан Темир тоғ ажратиб туради.

Тяньбао даврининг 6-йили (747 й.) Демовандга ўхшаш олтига халқ [Хитой] саройига элчи юборди. Сарой Демованд сардори Муькун Мухайяннинг «итотманд бек», Боғдоқ сардори Муьжизанини «диёнатли бек», Омуг сардори Кунни фўз шодни «инобатли бек», Шероз сардори Ферузни «йўсиндор бек», Дуристон сардори Ясажушни «хаккониятли бек», Термиз сардори Шимунни «байъатли бек» қилиб тайинлади.

Мил. авв. 161 йиллари Или, Текас дарёлари атрофидаги рузие (I 氏) ларни қувиб юбориб, Исиккўл атрофига кўчган. Сўнгра «Усуэн хонлиги»ни ташкил қилган. Улар 450 йили жуджаллар боёсими остида Помирнинг шимолий томонларига кўчиб кетиб, 851 йилгача яшаганлиги хитой манбаларида қайд этилади. Х асрдан кейин хитой манбаларида улар ҳақида маълумот келтирилмайди. Вей сулоласи тарихида келтирилган маълумотдаги Усуэн давлати, Исиккўл атрофида ташкил топган давлатга нисбатан айтилган.

ХИТОЙ РОҲИБИ СЮАН ЦЗАНГНИНГ «ДА ТАНГ ШИНОЙ ЖИ»

«БҮЮК ТАНГ ДАВРИДАГИ ҒАРБИЙ

МАМЛАКАТЛАРГА ОИД ХОТИРАЛАР» НОМЛИ

САФАРНОМАСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

Феруза Джеманиязова

Сюан Цзанг сафари ва унинг асари ҳақида

627 йилда Танг сулоласининг турклар билан муносабатлари кескинлашган ҳамда Хитой халқининг қирғиғи чиқиши таъкиқланган бир даврда хитойлик булди роҳиб Сюан Цзанг (Шюанзанг деб ҳам ёзилади) кавжул тавқиқларни четлаб ўтиб, Ҳиндистон сафарига бора олади. Буддавийлик динига юксак ихлоси ва ушбу диннинг асл моҳиятини ўрганиш учун ўз саёҳати номиди роҳиб Ғарбий туркларнинг назорати остида бўлган Туркистондан ўтиши керак эди. Бунинг учун янги карортоҳи Суёбда жойлашган Тун яёбу хокон (611-630 й.)дан йўлчилик учун руҳсат оломоғи даркор эди. Бу ердан жанубга тўғри, яъни Қирғизистон орқали Ўзбекистон ва Афғонистон худудларидан ўтиб, Шарқий Туркистондан Танг сулоласининг пойтахти Чанъан (Сиан) шаҳрига 645 йилда қайтиб келган. Шу йили император Табуянинг буйруғига кўра роҳиб саёҳат хотираларини табуянинг бошлаган ва 646 йилда «Да Танг Шиной жи» деб ном қўйиб танг давридаги Ғарбий мамлакатларга оид хотиралар») номли саёҳатномани ёзиб туғатган²²⁷.

Сюан Цзангнинг Хитойдан Ҳиндистонга саёҳат маршрути тоғли худудлар орқали ўтган бўлиб, ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг Туркистонга қараган томон ва кейин

Xuani E. Nsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Bilim ve Tarih Araştırmaları doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Ankara, 2003. S.V.

шаркка – хозирги Афғонистон ва Покистон орқали Шимолий Ҳиндистонга йўналган эди.

Ушбу саёҳатномада минтақадаги давлатлар ва кичик-кичик давлатчаларнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, харбий, географик ва этник хусусиятлари, урф-одатлари, диний ишончлари, озиқ-овқат ва кийим-кечаклари, иқлими, шаҳарлари ва йўл масофалари ҳақида муқаммал маълумотлар берилган. Бу саёҳатнома Сюан Цзангдан олдинги ва кейинги хитой саёҳатномаларининг энг муқаммалидир²²⁸. Худуд ҳақида истифборот (разведка) ҳисоботи хусусиятига эга бўлган мазкур саёҳатнома нафақат Танг ҳуқуқларининг ўрта Осиёга ҳоким бўлиш учун тайёрланган стратегик ҳисоботи бўлиши билан бирга айни замонда Марказий Осиё тарихи ҳақида қимматли маълумотларни ўзиди муҳасамлаштирган.

**Сюан Цзангнинг «Да Танг Шинюй жи» («Буюк Танг давридаги Фарбий мамлакатларига оид хотиралар»)
сафарномасига кўра Туркистон**

Илк ўрта асрларда хитойликлар учун Ҳиндистон Будда ва буддавийликнинг ватани сифатида юксак кадрлар эди. Бу даврда художўй кишилар, айниқса будда роҳиблари бу диннинг туб моҳиятини ўрганиб қайтиш учун машаққатли Ҳиндистон сафарига йўл олишган. Уша пайтда барча кийинчиликларни енгиб ўтиб, ўз юртига омон-эсон қайтиб келиш хитой роҳибларидан Сюан Цзангга насиб этган. У 597 йилда таваллуд топган ва Ҳиндистон сафарига овланган чоғида энди 30 ёшлар атрофида бўлган. Бу толмас киши сафар тадоригини кўри бошлаётганидаёқ, будда таълимотини чуқур ўзлаштирган шахс сифатида халқ орасида катта обрў-эътиборни сазовор эди.

Маъмур саёҳатномадаги маълумотлар асосан бугунги Афғонистон, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон худудларини ўз ичига олиши билан бирга Фарбий турклар ҳукмронлиги вақти бўлган 60 дан ортиқ мамлакат ва шаҳар ҳақида қимматли маълумотларни беради. Шу билан бирга саёҳатнома буддавийлик тарихи ҳақида ҳам муҳим маълумотлар.

Маълумки, 552 йилда ташкил топган Марказий Европанинг катта империяси бўлган Турк хоқонлиги миллийлик жараёнларда олдинги ўринларга чиқиб олиб, минтақада эфталийлар давлатига жиддий хавф туғдирувчи йирик сиёсий қучга айланган²²⁹. Истеми ябғу (562-567 йй.) 563-567 йилларда сосонийлар билан кенфоксчиликда Сугдиёна, Тохаристон, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонга ҳоким бўлган эфталийларни маглуб этади²³⁰. 571 йили эфталийлар арзон Турк хоқонлиги ва Эрон ўртасида ўзаро қаршиликларни²³¹. Унга кўра, Хусрав I Анушервонга Синд, Бет, ар-Руххаж, Зобулистон, Тохаристон, Дардистон ва Кобулистон тетади. Бундан ташқари, форсларга эфталийлар ҳукмдори Фаганиннинг мулки – Чағонийён

²²⁸ Ekrem E. Hsiian-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S.V.

Миссон В.М., Ромолин В.А. История Афганистана. С древнейших времен до начала XVI в. Т.1. Москва, «Наука», 1964. С. 109; Chauvannes E. Çin ulklarina göre Vap Tirkleri / Çevti M. Bey. Berlin: Selenge, 2007. S. 284.
²²⁹ Chauvannes E. Çin ulklarina göre... S. 289.
²³⁰ Knaflotnu S. G., Livšic. The sogdian inscription of Vugut revised Asia Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae. Tomus XXVI (1) 1972. Knaflotnu S. G., Livšic V.A. The Sogdian Inscription of Vugut revised // AOASH. Vidarrest, 1972. Tom. XXVI (1). P. 74; Knaflon Ш.Т. Из политической истории Западного Согда (в свете проблемы «тирании Абруя» и торко-сасанидского конфликта) // Узбекистоннинг моддий маданияти тарихи. Самарканд: 2012. №34. С/104.

хам ўтади. Туркларга эса СутҒлиёна берилди²³². Амударё иккала давлат ўртасидаги чегара қилиб белгиланади²³¹. Кейинчалик Истеми ябғу эфталийларнинг бутун худудларига ҳоким бўлиб олади. Бу даврда Фарбий Турк хоқонлигининг чегаралари Хазар денгизининг шимолий қисмигача етиб, Византия императорлиги билан чегарадош давлатга айланган эди.

Истеми ябғунинг ўғли Тарду хоқон (576-603 йй.) ва унинг ўғли Шегуй хоқон (611-619 йй.) даврида Фарбий Турк хоқонлигининг худуди шарқда Олтой тоғлариғача, ғарбда Хазар денгизигача чўзилди. Хитойнинг фарбий чегараси бўлган Ю-мен йўналишидан тўғри ғарбдаги бутун ху-лу мамлакатлари туркларга тобе бўлиб қолади²³⁴. Хоқонлиқнинг қароргоҳи Куянинг шимолида жойлашган Сан-ми тоғида жойлашган эди. Шегуй хоқоннинг ўғли Тун-ябғу хоқон Афғонистоннинг шимоли-шарқида жойлашган Каписа мамлақатини ҳам қўшиб олгани ҳақида манбаларда маълумот учрайди. Бир неча ўн минг аскарни бўлган бу хоқон шимолда тўла қабилалари ва ғарбдаги бутун Ши-ной (Фарбий мамлакатлар) мамлақатларини бошқарган. Унинг қароргоҳи Шош мамлақатининг шимолидаги Бинг-юлда жойлашган. Синой (Туркистон)да жойлашган бутун мамлақатларнинг бошқарувчиларига элтабар унвонини бериб, уларни назорат қилиш учун туудун унвонли мулозимлар жўнатган. Фарбий Турк хоқонлиги Тун ябғу даврида ўз ривожининг юксак даражасига эришган. Француз хитойшуноси Э.Шаваннинг таджикотига кўра, бу даврда Фарбий Турк хоқонлиги чегаралари ғарбда Марв, жанубда Хинд дарёсига қадар чўзилган.

²³² Hartman J., Litvinsky V.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris 1996. P. 367.

²³³ Адволов Ш.Т. Из политической истории Западного Согда... С. 104.

²³⁴ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S.3.

Сюан Цзанг саяхатномаси Фарбий Турк хоқонлигининг энг қудратли даври (Тун ябғу хоқон суғмонлиги даври) ва Танг сулоласининг Шарқий Туркистон минтақасини истило этган йилларга қадар бўлган давр оралиғидаги воқеаларни ўз ичига олади. Бу даврда Фарбий Туркларнинг сиёсий худуди ғарбда Хазар денгизигача, жануби-ғарбда Сосонийлар давлати, жанубда Хиндикуш тоғи ва шарқда Шарқий Туркистон минтақаларигача етган. Будавийликка оид асарлардаги маълумотларга кўра, Афғонистонда Каписа шимолидан биёқал кўлигача чўзилган катта минтақа турклар суғмонлиги остида эди²³⁵.

Сюан Цзангнинг Туркистонга сафари

Сюан Цзанг (Хуанзанг 玄奘, рус тилидаги адабиётларда Сюань Цзан, Сюаньцзан) 627 йилнинг июлида пойтахт Чанъандан тўғри ғарбга йўл олади ва айниқиликлар билан Кумулга етиб келади. Дастлаб бу ерда уч хитойлик роҳиб жойлашган ибодатхонадан жой олади. Хитойлик роҳиблар Сюан Цзангни қарши олиб қанчақарини кўрган каби қайғудан йиғлаб юборадилар²³⁶. Кумулнинг хулдан бўлган хукмдори²³⁷ ва хуллардан

²³⁵ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S.3.

²³⁶ Ушар асар. S.45.

²³⁷ Ху хуллар даврида хитойликлар хуллар учун қўллаган ном. Кумулдан шарқидаги қабилаларга дунху (шарқий хуллар) номини берганлар. Базми асарларда Помир тоғининг шарқи ва қан сулоласи чегараларига қадар бўлган худудларда яшаван қабилаларга хси-ху (фарбий хуллар) дейилади. Кейинроқ Хан сулоласи давридан (25-220 йй.) Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмидаги (420-589 йй.) қадар ўрта осийлик ўтрок қабилаларга, хусусан сўғдий келиб чиқишга эга халқ учун «ху» номини қўлланган. Базми асарларда хиндистонликларга ҳам ху номини интиштирган. Манбаларда уларнинг ташки кўринишлари «ху» кўзди, соқол-мўйловли ва тик бурунли қилиб таърифланган.

бўлган буддавий роҳиблари²³⁸ Сюан Цзангни хурмат билан қабул қилиш учун зиёрат берадилар. Бу аснода Кумулда жойлашган Гаочан (Турфон) хукмдори Чу-Вен-Тайнинг элчиси Сюан Цзангнинг Кумулга келгани хақида хабар беради²³⁹. Бу хақида Турфон хукмдори расмий элчисини яхши отлар билан Кумулга жўнатгани ҳамда Кумул хукмдорига Сюан Цзангни Турфонга жўнатишни амр этгани ва роҳибни Турфонга даъват этгани, Ун кун Кумулда қолган Сюан Цзанг Турфон хукмдорининг илтифотини рад этмай элчилар билан бирга Турфонга йўл олади. Сюан Цзанг аслида Кумулдан шимоли-ғарбга йўл олиб, Турфонга шушмасдан Ке-хан Фу-ту (Будда хоқон шаҳри, бутунги Жимсар туманида) шаҳридан шарққа кунботарга Ғарбий турклар хукмдори Ябғу хоқон хузурига кетмоқчи бўлган эди²⁴⁰. Фақат Турфон хукмдорининг қатъий илтимосига кўра, Турфон ва Гаочан мамлакатига кетишга қарор қилади. Гаочанга етиб келган роҳибни бу ернинг хукмдори Турфонда қилишени истади ва қатъий шаклда бу ерда қилишга буйруқ беради. Лекин роҳиб буни рад этгани ва очлик эълон қилиб, хукмдорнинг бу истагига қаршилиқ билдиради. Тўрт кун очлик орқали келиб чиққан ҳолидаликдан йиқилган Сюан Цзангни зиёрат қилган Гаочан хукмдори бу ҳолатга ачиниб, фикридан воз кечади.

Турфон хукмдорининг онаси Чанг хотун роҳибни Турфонда бир ой қилиб, уларга буддавийликдан дарс беришга кўндиради. Бир ой давомида хитойлик роҳиб уч

²³⁸ Ху келиб чиқишга буддавий роҳиблар Хитой тарихига оид маълумотларда тез-тез учрайди. Хулардан бўлган будда роҳибларининг кўпчилиги Туркистон, Урта Осиё ва Хиндистонлик келиб чиқишга эга бўлган.

²³⁹ Гаочан Хан сулоласи даврида пойтахти Shiao-he бўлган Cheshi Si'ien-pu давлати сифатида хитойча қайдиларда намоён бўлиб бошлайди ва хунларнинг ҳокимияти остида экани айтилган. Хунлар ва Хан сулоласи орасидаги қурашлар сўнгида мил. ав. 48 йили Хан сулоласи кучлари Гаочан номли ХУДУДА тарнизиони ташкил қилган.

²⁴⁰ Ekrem E. Hüseyin-Tsang Seyahetnamesi'ne göte... S.46.

ра киши сифатидан хукмдор чолирида Турфон хукмдори Чу-Вен-Тайга даъват арқони ва халққа буддавийликнинг қаруликкаражапарала Пражнггалапамитасутра хақидаги дарслирни беради. Турфон хукмдори уни кузатаётганда роҳибга халқлар ва у билан бирга Ябғу хоқонга ҳам қилишлар билан биргаликда мактуб бериб юборлади. Шушас, Турфон (Гаочан) ўлкасидан ғарбий мамлакатларга йўл олган хитой роҳибни Сюан Цзангга бу воқеани илтифатининг хукмдори ўз ишончини билдириб, Тун ябғухоқонга элтиши учун роҳибга икки арава мева ва 500 тулпанга газлама топиради. Айни пайтда улар қудда бўлиб, Ке-ханийни Тун ябғу-хоқоннинг ўғли бўлиши, Кокористонда хоқонлик номидан хукм юритаётган Тарду билан узагган Гаочан хукмдори хоқонга алоҳида ва ўз ернинг алоҳида мактуб эзиб, уларни роҳибнинг қўлига етказилади²⁴¹. Гаочан хукмдорига тегишли ушбу хатнинг маънаси мазмунини баён қилган Сюан Цзанг ундан шу билан бир нарча келтиради: «Роҳиб Сюан Цзангнингиз (Турфон хукмдори)нинг биродаридир, буддавийликни ўрганиш учун Хиндистонга бормоқчи. Турфон, камина қулингизга кўрсатган химматингизни роҳиб Сюан Цзангга ҳам кўрсатинг. Дутфан, ғарбий мамлакатларга фармон эзиб, буйруқ беринг ва от-уловлар билан роҳибни четара ортгача кузатиб қўйинг»²⁴². Ушбу келтирилган парчанинг кизикарли жиҳати шуки, Гаочан хукмдори ўзини «хоқоннинг қули» сифатида таърифлаган. Ушбу даврда Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган 6 та воқеа хукмдорлиги орасида энг кучлиси бўлган Гаочан хукмдори ўзини бундай аташи диққатга сазовор. Афтондан, бу билан у хоқонликка тобелигини яна бир марта таъкидламоқчи бўлган.

Гаочан хукмдорининг илтимоси билан Тун ябғухоқон бунёд эттирган Будда ибодатхонасини зиёрат этган, хоқонга агадган туҳфаларни олиб йўлга тушган Сюан Цзанг ва ҳамроҳлари А-ки-ни (Қорашахар) ўлкасида

²⁴¹ Ekrem E. Hüseyin-Tsang Seyahetnamesi'ne göte... S.48.
²⁴² Ушбу асар. S.45.

бўлиб, бу кичик хукмдорликнинг шимолида улғу ва узун Ин-шан тоғидан ўтаётганда бу тоғнинг кумуш конларига бой эканини кўрган²⁴³. Бу маъданлар хоконларга тегишли бўлиб, ундан кумуш тангалар зарб қилинар эди.

Бу ердан яна ғарб сари сафарларини давом эттирган Сюан Цзанг Ку-чу (Куча) ва Ба-лу-ка (Оксув) каби бир қатор шахарлар ҳақида маълумотлар бериб ўтган²⁴⁴. Нихоят, Шарқий Туркистондан Иссиқкўл томон отланган Роҳиб ва ҳамроҳлари йўлда машаққатли Лин-шан (Бадал-арт) довонидан ошиб ўтаётганда кўплаб қийинчиликларга дуч келишган. Роҳиб ушбу довондан ўтишларини хикоя қилиш чоғида, чеққан машаққатлари ҳақида шундай ёзди: «Ба-лу-ка) мамлакатидан шимоли-ғарбга қараб 300 ми юрилгандан кейин, чағиртошли бир чулни ошиб ўтилиб, Лин-шан (Бадал) тоғига борилади. Бу тоғ Кун-лун (Помир) тоғ тизмаларининг шимолий қисмини ташқил этади. Тоғдаги ирмоқларнинг кўпчилиги шарққа қараб оқади. Тоғ ва қолларнинг устида қорлар тўпланиб қолган ва хаттоки баҳор билан ёз ойларида ҳам қорлар музлаб ётади. Вақти-вақти билан музлар эриса-да, кўп ўтмасдан тақрор музлаб қолади. (Тоғнинг устидаги) йўл ҳам таҳликали, ҳам юришга ноқулайдир. Музлагатадиган шамол даҳшатли шаклда эсиб туради. (Тоғнинг устида) аждарҳолар кўп ва у ердан ўтган йўловчиларга зарар беради. Йўловчилар (тоғ) йўлидан ўтаётганда на қизил қийим қия олишади, на кўлида қовок (қашқул) олиб юри олишади ва на баланд овоз билан гаплаша олишади. Ушбу қоидалар бузилса, фалокатлар ҳамон йўловчилар кўз ўнгиде буй кўрсатади ва бўрон бошланиб, қумлар учади, тошлар ёмғир каби ёғади. Бунга дуч келганлар соғ қолмайдилар».

Бу мамлакатдан ғарбга тўғри Вупан шаҳри ва Ту-чин шаҳридан ўтиб сўнгра Ачини (Қорашахар) мамлакатини етиб келишган. Қорашахарнинг Афруших чашмасини келиб бу ерда озгина ўрнашадилар. Бу ернинг хукмдори

²⁴³ *Ekrem E. Hüsan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre...* S.49.

²⁴⁴ Уша асар. S.51.

билан Сюан Цзанг учрашиб, шаҳарда бир кун туриб, Кучага кетган.

Сюан Цзанг ва унинг ҳаммаслақлари Кучардан ғарбга етган *ли* юргандан кейин икки мингдан ортик турк келарлари уларни ушлаб қолган. Фақат аскарлар Сюан Цзанг ва одамларининг ёнидаги молларни бўлиб олиш учун ўзаро жанжаллашиб қолгач, тортиб олинган парселарни ташлаб улардан узоқлашадилар. Бу ердан *ли* юз ми юриб, бир кичик чулни кечиб ўтгандан сўнг, улар Палука (Балука) мамлакатига етиб келишган. Бу ерда бир кеча қолган Сюан Цзанг ва унинг одамлари шимоли-ғарбга тўғри 300 ми юргандан сўнг, яна бир чулни кечиб ўтиб, Цунглинг (Помир) тоғининг шимол томони бўлган Лингшан²⁴⁵га етиб келган.

Етти кундан сўнг, Иссиқкўл агрофларига қадам қўйишган. Иссиқкўлдан шимоли-ғарбга беш юз лидан ортик йўлни босиб ўтгандан сўнг, Сувёб (Ақбешим)га етиб келишган. Сувёб шаҳри²⁴⁶ Ғарбий Турк хоқони Янбу тоғининг қароргоҳи жойлашган ер бўлиб, у шу ердан кўриб Хиндикуш тоғининг шимолидаги олғмишдан

Хитойча Лингшан «Муз тоғ» демақдир. Шунингдек, матнда Цунглиннинг қорли музли чуққилари қайд этилган. Бунунги ерда Музарт дейилади, Қошқарийнинг хабар беришича «тоғ тоғ тепаси ва тоғ беги демақдир. Фақат Сюан Цзангнинг Цунглиннинг жанубидан шимолига ўтиши учун Музарт билан келиб бўлиб, икки доvon жойлашган ва қайси доvonдан Цунглин масаласи мунозаралидир.

Сувёб шаҳри Қирғизистондаги Тўқмоқ шаҳрининг саккиз километр жануби-шарқда жойлашган Ақбешим районаларида қилинган қилиниши Ж. Клосон томонидан тасдиқланган. Сюан Цзанг саяхатнома сига кўра, Сувёб шаҳрининг «атрофи олти ми етти *ли* кенгликлдир. Бошқа ўлкалардан бўлган ху қондорлари бу шаҳарда қориниқ холда яшайди. Ерлари бугдой ва дум стиптиришга қулай. Дарахтлари кам. Ҳаво совуқ ва қаттиқ жунли қийимлар қиядилар. Сувёб шаҳрининг ғарбда қарори шахарлар бор ва ҳаммасининг бошқарувчиси йўқ. Қарорига бир-бирига боғлиқлиги бўлмаса ҳам ҳаммаси қарорига тобедир».

орттик мамлакатни бошкарар эди. Сюан Цзанг Суёбга етиб келганида, Ябғу хокон овда эди. Уч кундан сўнг, у кайтиб келади ва Сюан Цзангга атаб мухташам зиёфат уюштиради. Сюан Цзангга Каписа мамлакатига қадар кузатиб бориш учун ҳам хитой, ҳам маҳаллий тилли билалитган бир турк йигитини унга қўшиб юборади. Суёбдан ғарбга 400 *ли*дан ортик юрганган сўнг, Хоконнинг ёзги қароргохи жойлашган Бингтог яъни, Чиенчуан²⁴⁷ номили жойга келишган²⁴⁸.

Бингтогдан ғарбга тўғри 550 *ли* юрганган сўнг, Пайшуй шаҳрига (Исфижоб / Сайрам)²⁴⁹ боришган. Жануби-ғарбга тўғри 200 *ли* юрганган сўнг, Кунтог шаҳри (Чачилак)га борилади, яна жанубга тўғри 50 *ли* юрганган сўнг, Нучжичен (Нужикат) мамлакатига етиб

²⁴⁷ Сюан Цзанг саёхатномасига кўра, роҳиб етиб келган жойининг номи Чиенчуан (Мингбулок/ Мингчашма/Бинпинлар)дир. Маълумки, Турк хоконнинг ёзги ва қишлик қароргохи бўлган. Ёзда иссиқдан сақланиш учун шимолдаги яйлов худудларга, қишда совуқдан сақланиш учун тоғ орасига жойлаштишган. Бу ердаги Бингтог Ябғу хоконнинг ёзги қароргоҳидир. Сюан Цзанг биографиясига кўра, Бинг-тог Тўқмоқ (Ақбешим) ва Талос орасидадир. С. Билнинг фикрича, Чу дарёсининг ирмоқларидан Қарағати дарёсининг бошланиши ва Талос дарёсининг ирмоғи бўлган Ярсу дарёсининг бошланиш нуктаси Бинг-толдир.

²⁴⁸ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S.52.

²⁴⁹ Пайшуй «ок сув» демакдир. Пайшуй шаҳрининг ўрни ҳақида Менкент, Исфижоб ва Чимкент ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида қарашлар мавжуд. Сюан Цзанг саёхатномасига кўра, Талоснинг жанубида ўндан ортик *ли* узоқликдаги ёнғиз қолган қичик бир кент бор. У ерда 300 хитой (қора-хитой, қидан) оиласи яшайди. Ушбу хитойликлар қадимдан турклар томонидан таъқиб қилиниб бу минтақата келиб қолган. Кейинчалик улар бир жойга тўпланиб, ушбу шаҳарни муҳофаза этиб, мамлакатни барпо этганлар. Уларнинг киёфалари туркларники ўхшайди. Сюан Цзанг Талоснинг Пай-шуй шаҳрига қадар Жанбул (Талос), Қичик Жанбул (хитойликлар яшаган қичик кент), Головоочени, Бурно Оқтябрское, Бурное, Новошиколаевка, Раевка ва Мадани каби шаҳарлардан ўтган. Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S.53.

борилади. Бу ердан 200 *ли* юрганган сўнг, Ши²⁵⁰ мамлакатига борилади. Бу ердан мингдан ортик *ли* юрганган сўнг, Сутрушана (Уструшана) мамлакатига етиб борилади. Бу ердан шимоли-ғарбга тўғри бир чўлдан 500, 500 *ли* юрганган сўнг, Самарканд мамлақати бошланади.

Самарканддан жануби-шарққа тўғри Маймуғ мамла-
катидан шимолга тўғри эса Капугана (Губдан/Келут/
Қабудан) мамлакатига борилади. Самарканддан ғарбга
тўғри 300 *ли* юрганган сўнгра Қарғанкат, яна ғарбга 400
лидан кўтроқ юрганган сўнг Бухоро мамлакатига, ғарбга
100 *ли* юрганган сўнг Битик мамлакатига, ғарбга тўғри
100 ортик *ли* юрганган сўнг Хоразм мамлакатига етиб
борилади²⁵¹. Сюан Цзанг Самарканддан жануби-ғарбга
тўғри уч юздан ортик лидан сўнг, Шаҳрисабз (Кеш/Касна)
мамлакатига борилади. Бу ердан жануби-ғарбга тўғри 200
ортик *ли* юрганган сўнг, Темир Қапиг²⁵²га борилади.

Сюан Цзанг саёхатномасига кўра, Шоннинг жануби-
шимолидан мингдан ортик узоқликда Фарғонага етиб борилади.

Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S.53.

Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S.53.

Сюан Цзанг Шаҳрисабздан жануби-ғарбга тўғри 70 км
юрганган сўнг Ғузорта, кейин жануби-шарққа тўғри Ғузор
дарёсининг қуйи оқимидан 35 км юрганган сўнг Дежконободга
етиб келади. Яна жанубга тўғри бир йўналиш бўлган Темир
қалъига етиб борган. Темир Қапигнинг кенглиги 40-60 фут,
қалинлиги эса 2 милдир. В.В.Бартольдга кўра, Темир Қапигнинг
ерда номи Дар-Оханин, хозирги номи Бўзғоладир. Темир
қалъидан ўтгандан сўнг уч кунда Термизга борилади ва орадаги
этишлар Разик работи ва Хошимгирд эди. Сюан Цзанг
биографиясига кўра, Темир Қапиг икки тарафда «битмас-
қилимас баланд тик қолга тоғлар бор ва қоллар темир
қалъаларига ниҳоятда бой. Темир Қапигдан ўтаётганда
этишлар жойлаштирилган ва уларнинг устига кўплаб темир
этишроқлар осилган. Шу сабабдан бу тоғларга Темир Қапиг
деп берилган. Бу томони туркларнинг қалъасидир». Сюан
Цзангнинг биографиясида «Темир Қапиг айнан Темир
қалъининг ўтиш жойдир, Хитойнинг ғарбий четарасидир.
Бундан киргандан сўнг бир текис йўл бор ва бошқа йўл йўқ.

Ябғу хоконнинг кароргохидан Темир Капика кадар 16 ўлкадан ўтилади.

Темир Капигдан ўтгандан сўнг қадимий Тохар мамлакатига борилади. Тохаристонда йгирма еттига мамлакат жойлашган, уларнинг барчаси туркларга тобе. Темир Капигдан Амударёнинг шимоли кирғоғидан жанубга тўғри Термиз мамлақати²⁵³га борилади²⁵⁴.

Термиздан шаркка тўғри Денов, Ахарун, Шуман каби мамлакатларга борилади. Шумандан жанубга тўғри Амударёнинг куйи оқимларидан юриб Куваяна мамлакатига борилади. Бу ердан шаркка тўғри Лаваканд (Ковунтепа), Хуттал, Кумед (Коратегин) каби мамлакатларга борилади²⁵⁵. Сюан Цзанг Ёвочандан келтирган мактубни Ябғу хоконнинг ўғли, Кундуз вилоятининг хукмдори ва Ёвочан хукмдорининг кўёви Тарду шадга элтиб бериш учун Термиздан жануби-шаркка тўғри Бағлон, шимоли-тарбога тўғри эса Хулм каби

Жанубга кетган бу ўтиш йўли нихот даражада машаққатли ва одамлар учун хавфли. Унг ва чап тарафга юкалган баланд қоялар бор. Бу қояларнинг ранги темирга ўхшаб кетгани учун бу ном берилган. Хитой дарвозасининг бири тик, бири ётган ҳолатдадир, тахта устига темирдан кўннроклар осилган».

²⁵³ Сюан Цзанг Темир Капигдан жануби-шаркка тўғри Шероболга, бу ердан яна 60 километр юргандан сўнг Термизга етиб келади. Рохиб аслида Термиздан жануби-тарбога тўғри 70 километр юргандан сўнг Балхта боради. Факат Кундузга мактуб жўнатилиш учун яна жануби-шаркка тўғри 120 километр юргандан сўнг Айванжи, бу ердан Амударёдан кечиб ўтиб, жануби-тарбога тахминан 70 километр юрган сўнг Кундузга етиб борган. Сюан Цзанг Кундузга келганида, Тарду шаднинг хотини — Ёвочан маликаси вафот этган эди. Тарду шад яна бир бошқа хотинга уйланади. Бу хотин Тарду шаднинг ўғли билан иттифоқчилик қилиб, Тарду шадни ўлдирган ва ўғли тахтага чиққан. Сюан Цзанг Кундуздан ғарбга тўғри 180 километр юргандан сўнг Балхта борган.

²⁵⁴ *Ekhet E. Nstian-Tsang Seyahetnamesi'ne göre...* S. 54.

²⁵⁵ Балх — Мозори Шарифнинг 40 километр шимоли-тарбида жойлашган бўлиб, қадимий Бактрия давлатининг пойтахти бўлган.

мамлакатларга борган. Темир Капигдан Балхта кадар ўн мамлакатни ўз одамлари билан кезиб ўтган.

Балх мамлақати Ябғу хоконнинг жанубий кароргохига яқин ҳудудда жойлашган. Туркийлар ўз индиаларига кўра, ёз ойларида шимолдаги яйловларда қоллиб, ўт ва туллларнинг асал олинадиган мавсумда қориларини яйловларда ўлгатишган. Киш ойларида эса қорлар орасига кетиб совуқдан ҳимолланган. Шу сабабга тўғри туркийларда хоконнинг иккита кароргохи мавжуд. Балхдан жануби-тарбога тўғри Хиндикуш тоғига етиб келишдан сўнг, Самангон ва Ғузганонга, шимоли-тарбога тўғри эса Форс мамлақатининг четраларига борилади. Балхдан жанубга тўғри 100 ми юргандан сўнг, Ғачи (Ғоз)га борилади. Бу ердан жануби-шаркка Хиндикуш тоғларига тўғри олти юз лидан ортик масофа юрилгач, Тохаристондан чиқиб, Хулм дарёсининг кирғоқларидан Ёвроботни ошиб ўтгандан сўнг, жанубга тўғри Бомиён мамлақатига борилади²⁵⁶. Сюан Цзанг жануби-шаркка тўғри олтмиш километр юриб Картчу, олтмиш километр юргандан сўнгга Хулум дарёсининг ғарбий кирғоғидаги йўлни, бу ердан тўғри Қора ўтиш йўлидан кечиб ўтиб, Ёвроб дарёсининг юқори оқимида жойлашган Сайсон ва бу ердан 70 километр юргандан сўнг жами 260 километр юриб, Бомиёнга етиб борган. Бомиёндан шаркка тўғри Киндикуш тоғларининг Қоратог кечувидан ўтиб, Кобулнинг шимоли-шаркидаги Каписа (Бетрам) мамлақатига етиб боради. Ушбу ҳудуд Тун ябғу хоконнинг йўлбошловчиси Сюан Цзангнинг ҳамроҳлик қилиб олиб келган сўнгги қавулдир. Сюан Цзанг Бетрамдан шаркка тўғри 600 мидали ортик юриб, Шимолий Хиндистоннинг Лампака (Ламгон)²⁵⁷ мамлақатига етиб борган. Сюан Цзанг бу ердан Жалолобод ва Қандахорни кезиб Хиндистон дарёсини бошлаган. Тахминан 642 йилнинг апрель

²⁵⁶ *Ekhet E. Nstian-Tsang Seyahetnamesi'ne göre...* S. 5.

²⁵⁷ Индикушчиларга кўра, Лампака мамлақати буғунги Ламгондир. Бу Улоа Кобул дарёсининг шимоли Алгинтар дарёсининг шарки ва кўннр дарёсининг ғарбида жойлашган.

жойлашган Гросатам шахрига етиб борилди. Искандар бу ерда Александр Каписа номли шахар курдирган. Бу ердан Панжшер дарёси ва Гулбахор, Башарак ва Марз каби кентлардан кечиб ўтиб, Хиндикуш тоғининг чўккисида жойлашган 1300 мил багандликдаги Кавак довонига етиб келадилар. Бу ердан Индараб дарёсининг юқори қисмида жойлашган Андароб шахрига келадилар. Бу ердан Андароб ва Талекон орасидаги Чаг Кост номли жойга келадилар. Бу ердан Ишканишдан шимоли-ғарбга тўғри Хонободдан кечиб ўтиб, Варвализ яъни Кундузга боришади. Кундуздан шаркка тўғри 40 мил юргандан сўнг Талеконга етиб келинади. Бу ердан Лагбад довоидан кечгандан сўнг, жануби-шаркка тўғри Кўкча дарёсининг жанубий оқимида борилгандан сўнгга, жануби-шаркка тўғри жами 60 мил юргандан сўнг, Кишмга борилади. Бу ердан 45 мил юргандан сўнг Дарайим (Химатага), 40 мил сўнг Файзобод яқинидаги Бадахшон, 40 мил сўнгга Жерм (Ямған), 60 мил сўнгга Лажвар (Куран) ва бу ердан Кўкча дарёсининг юқори қисмидан жанубга тўғри Шаҳри Минжон, шимоли шаркка тўғри Тригаран тепасининг жануб ёнағирларида, Вардуз дарёсининг юқори қисмида жойлашган Санглиш, Искатул, Забак каби жойлардан кечиб, жами 100 мил юргандан сўнг Афғонистоннинг шимоли-шаркий чегараларидан Вахондаги Ишканиш (Дхармастхити) номли жойга етиб келишган²⁶⁴.

Дхармастхити мамлакатидан шимолга тўғри тоғдан ошгандан сўнг, Шикини (Шугнон) жанубга тўғри тоғдан ошиб эса Самбхи мамлакатига борилади²⁶⁵.

²⁶⁴ Ektem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 59.

²⁶⁵ Ишканишдан Тошкўрғонга бориш учун Вахон довоидан шимоли шаркка харакат қилиш шарт эмас. Фақат бу ердан икки қараш мавжуд: Сюан Цзанг Ишканишдан Панжа дарёсининг қуйилишидан шимоли-шаркка тўғри Кандутга етиб борган, Қорапанжадан сўнгга йўл жануб билан шимолга иккинчи ажралади. Жануб йўли Қорапанжадан Абу Панжа дарёсидан шаркка тўғри Помир дарёси, Сиркулнинг шимоли, Истик

Дхармастхити мамлакатидан шаркка тўғри чамаси 500 ми юқори ва машаққатли йўлдан сўнгга, Шаркий Туркистон оғирасидаги Тошкўрғонга борилади. Помир тоғининг тепасида жануб-шарк 300 ми, шимол-жануб 50 ми кенгликдаги Катга аждар кўли бор. Сюан Цзанг бу ерда булданий асарларини ўқиб ўрганади ва йигирма кун юргандан сўнг чамаси 800 ми юргандан сўнг Қарғаликка етиб борилади²⁶⁶. Сюан Цзанг беш юз киши билан Қашкардан Қарғаликка тўғри йўлга чиқади ва қарвон боши сифатида сайланади. Қарғаликдан ўнга муҳим булданий асарлари жойлашган ва турклар буларнинг қосибидир²⁶⁷.

Сюан Цзанг Қарғаликдан шаркка тўғри чамаси 800 ми юргандан сўнг 644 йилнинг бошида Густана (Хўтан) мамлақати чегараларига етиб боришган. Хўтан пойтахтидан 100 ми Пиалмага етиб бориб, бу ерда етти кун қолган. Хўтан хукмдори Сюан Цзангнинг ўзи улка чегарасига юлганини билган захоти шахсан ўзи уни кутиб олишга юлган. Икки кун сўнгга хукмдор пойтахтга қайтиб юлгани ва ўғли йўлбошловчи сифатида Сюан Цзанг билан дарёсининг ғарбий қирғоғидан шимоли-шаркка тўғри Оксув дарёсининг шаркий қирғоғидаги Тўхтамишбека, бу ердан жануби-шаркка тўғри Тошкўрғонга борилади.

Сюан Цзанг Қашкарга етиб боргандан сўнг, шаркка тўғри яна юқори олинган Оксув, Кучар, Қорапахар, Турфон ва Кумулдан кетиб, Хитойга кетиши мумкин эди. Сайёхнинг нима учун жанубга қараб Хўтанга бориши ва бу ердан Тагламақонни айланиб жануб йўли билан Хитойга кетиши хайратанарли бўлишиди. Сюан Цзанг 17 йил олдин Турфон хукмдори кўчурга келиб, бир муддат бу ерда қоллишга сўз берган эди. Юқори Сюан Цзангнинг келишида Танг сулоласи кўшини Турфонни забот этган эди ва Турфон хукмдори ҳам вафот этган эди. Бу сабабдан Турфонга кетмаган бўлиши мумкин. Қандай бўлса ҳам Сюан Цзанг ўз замонида ғарб сафарига чиқар экан бир чегара қочоғи сифатида айбланишидан қочилини истаган экан бўлиши мумки. Эки Хўтан каби қадимий ва машхур будда қуддини зиёрат этиб Хитойга қайтилишни истаган.

²⁶⁶ Ektem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 60.

йўлчиликда давом этган. Икки кун сўнгра хужмдор тархон унвонли бир мулозимини карши олишга жўнатгани ва пойтахтда 40 ми колганда бир жойда ўрнашадилар. Эртаси кун хужмдор мушиқалар билан Сюан Цзангнинг пойтахтда кўтиб олди ва Хиньяннинг Сарвастивадини ибодатхонасида дам оладилар.

Сюан Цзанг Карғаликдан шаркка тўғри Кумтуккай, Мамок, Улуғ ўстенг дарёси ва Усабоши дарёсини кечиб ўтиб, Гумага етиб келадилар. Гумадан 150 ми шаркда Зангуяга, 100 ми шаркда Пиалмага, 174 ми шаркда Хўтан пойтахтига етиб келади. Яъни Карғаликдан Гумага қадар чамаси 300 ми, Гумадан Хўтан пойтахтига 470 ми, жами 770 ми бўлиб Сюан Цзанг қайд этган йўл жами 800 мида яқиндир.

Сюан Цзанг анча аввал дарёдан кечиб ўтаркан, баъзи буддавий асарларнинг сувга тушмаслиги учун уларни Куча ва Кашкардан келтириш ҳамда Хўтан хужмдорининг тақлифи билан Ёгажарьябхумисастра, Абхидхармасамуж-жаваякхяшастра, Абхидхармакошашастра ва Махаяна-сампариграхаасастра каби буддий асарларни халкка тушунтириш учун Хўтанда бир муддат қоллишга қарор қилган. Бу орада Турфондан келган Масюанчих исмли бир ёш савдогар воситасида Танг сулоласи императори Тайцзунга бир узрли мактуб жўнатган. Етти-саккиз ой сўнгра императордан мактуб келади, унда Сюан Цзангнинг қочоқ бўлиб, йўлга чиқишини афв этишини ва дархол Танг сулоласи пойтахти Чанъанга келишини истаётганлиги битилган эди. Айни замонда йўл бўйича гарнизон мавмурларига Сюан Цзангни кўтиб олиши ва ёрдам этиши амр этилган.

Сюан Цзанг Хўтан пойтахтидан шаркка тўғри 300 ми юриб хўтанликларнинг Шаркий ўлкасидаги жанг майдонига етиб келган. У шарк томонга яна 30 ми йўл босиб Бхима шахрига етиб келган. Сюан Цзанг бу ердан шаркка тўғри 200 ми чўл йўлидан юриб Ния шахрига, 400 ми юриб қадимги Тохар мамлакатига, 600 ми юриб Чармадана мамлакатига, тахминан 1000 ми юриб қадимги

Нияни мамлакатига етиб борган. Бу ердан Хитой четараси биланги Шацжоу орқали Танг сулоласи пойтахти Чанъанга 645-йилнинг 24 январь куни етиб келган²⁶⁸.

Сюан Цзангнинг Хиндистон сафари ва унинг ўрганилиши

Сюан Цзангнинг Хиндистон сафари ҳам зиёрат ҳамда қилиш олиш билан бирга кечди. Сюан Цзанг Тун яёғу билан жўнатган одамлари билан биргаликда Хиндикуш билан жўнатган ўтиб, Шимолий Хиндистон (Жанубий Афғонистон)га қиради ва Лампака (Ламгон) мамлакатига етиб келади. Уч кун сўнгра, бу ердан жанубга тўғри 20 ми юриб тоғдан ўтиб, бир дарёдан кечиб ўтадилар ва Наррахага (Жагалобод, Кобул дарёсининг жанубий дарёсида жойлашган) мамлакатига етиб келади. Бу ерда янада Сюан Цзанг подшо Ашоканинг курган ибодатхоналар ички бир қанча ибодатхонани зиёрат қилади. Бу ердан жанубга тоғ йўли билан чамаси 500 ми юргандан ўтиб, Гандхара мамлакатига етиб бориб, ибодатхоналарни зиёрат қилгач, баъзи ибодатхоналарга Турфондан келтирилган пулларни ҳадя қилади. Бу мамлакатдаги Утиаханг шахридан шимошга тўғри ййлов бўлган тоғ юзидан 600 ми юргандан сўнг Удяна мамлакатига боришади. Бу мамлакатда эскидан минг тўрт юз ибодатхона, ўн саккиз минг роҳиб бор эди, роҳибнинг оқибати давомида ибодатхоналар хароба ҳолига келган эди ва роҳиблар ҳам оз қолган эди. Сюан Цзанг бу ерда бир қанча тарихий ибодатхоналарни зиёрат қилади. Утиаханг шахридан жанубга тўғри Хинд дарёсидан кечиб ўтиб, Таксила мамлакатига етиб боришади. Бу мамлакатнинг шимол четралярида Хинд дарёсидан кечиб ўтгандан сўнгра, жануби-шаркка тўғри 200 ми юриб, қатта тош дарвозага етиб боради ва бу ердан жануби-шаркка тўғри тоғ йўлидан 500 ми юргандан сўнг, Нуадча мамлакатига боришади. Яна жануби-шаркка

тўғри машаққатли йўллардан ва Темир кўприкдан ўтгандан сўнг, Кашмир мамлакатига боришади.²⁶⁹

Кашмирда ноздан ортик ибодатхона ва беш минг рохиб бор. Буддийларнинг кутлуғ ери бўлган тарихий ибодатхоналар кўп. Сюан Цзанг бу ерда Хетивиди (Мантик билими), Шабдавидя (Грамматика), Кошашастра ва Ниянусарашастра каби асарлар устида ишлаган. Икки йил ичида бу билимларни яхши бир даражада ўрганган. Бу мамлакатдан жануби-шаркка тўғри 400 *ли* юргандан сўнг, Ражапулаз мамлакати, бу ердан жануби-шаркка тўғри бир тоғдан ўтиб, бир дарёдан кечиб ўтиб ва 700 *ли* юргандан сўнг Такка мамлакатига борилади. Покистоннинг Панжоб вилоятининг фарбида жойлашган бу мамлакатдан Жяпурга шаҳрига етиб келиши уч кун кетади. Нарасимха шаҳридан ўтиб, шаркка тўғри йўл олар экан бир ўрмонда кароқчи томонидан нарсалари олиб кўйилади ва улар зўрға кутуладилар. Лаптака мамлакатидан бу ерга қадар бўлган худудда келганлар биринчидир, киёфаси ва тиллари Хиндистонникидан бироз фарқлидир. Сюан Цзанг Такка мамлакатининг шаркида жойлашган катта бир кентга етиб боради ва бу ерда 107 ёшдаги катта брахман рухонийси билан Махаяна мазхабининг эркин мохиятини ўзлаштирган Мадхьямика гуруҳининг муҳим китоби Саташастра ва Ванпуляшаташастра каби асарлар устида ишлайди. Бу ердан шаркка тўғри 500 *ли* юргандан сўнг, Чинапкухати мамлакатига етиб борилади. Сюан Цзанг бу мамлакатдаги Тошасана Вихар ибодатхонасида катта рухоний Винитабрабхадан 14 ой давомда Абхидхармасамуж-жаявахяшастра, Абхидхармапракаранасасанашастра ва Наямуқхашастра каби асарларни ўрганади. Тошасана ибодатхонасининг жануб шаркига тўғри 50 *ли* узокликда Тамасаванасангхарамма ибодатхонаси бордир ва бу ердан шимол шаркка тўғри 145 *ли* юргандан сўнг, Жоламлидхара мамлакатига борилади. Бу мамлакатдаги Нагаралдхана ибодатхонасида жойлашган буюк устоз Жандравармадан

Иббхашипракарарнардашаастра номли асарни тўрт ой оғинда ўрганади.²⁷⁰

Жаламдхара мамлакатидан шимоли-шаркка тўғри 700 *ли* машаққатли йўлдан сўнг Кулутга, бу ердан жанубга тўғри етти юз *ли* юргандан сўнг бир тоғни ва бир дарёни кечиб ўтиб, Шатадру мамлакати бу ердан жануби-ғарбга тўғри саккиз юз *ли* юргандан сўнг Магхура мамлакатига борилади. Бу мамлакатда Будданинг муридларидан Шарипутра, Маудгалапутра, Пурнамайтраянипутра, Улли, Амалда, Рахула ва Манжушри кабиларнинг ступалари бор. Бу ердан шимоли-шаркка тўғри беш юз *ли* юргандан сўнг, Сгханашвара мамлакатига ва бу ердан шаркка тўғри тўрт юз *ли* юргандан сўнгга Сругхна мамлакатига борилади. Бу ерда киш ва баҳор бўйи катта рухоний жангуптадан Хинаяна мазхабига оид Саутрантикави-башшастра асарларини баҳор ва ёз бўйи ўрганади. Бу мамлакатнинг шаркидаги дарёдан ўтиб, Матибара мамлакатига борилади. Сюан Цзанг бу мамлакатда дўсон ёшдаги катта рухоний Митрасена билан Хинаяна мазхабига оид Татрасаудесасастра ва Абхидхарма жангупрастханасастра асарларини баҳор ва ёз бўйи ўрганади. Бу мамлакатдан шимоли-шаркка тўғри 300 *ли* узокликдаги Брамапура мамлакатига борилади. Бу ердан шаркка тўғри чамаси 200 *ли* юргандан сўнг Канга дарёсидан ўтиб жануби-ғарбдаги Вирашана мамлакатига борилади. Бу ердан шаркка тўғри 200 *ли* юргандан сўнг, Копнеса мамлакатига, бу ердан шимоли-ғарбга тўғри 200 *ли* юргандан сўнг, Канакубжа мамлакатига борилади. Сюан Цзанг бу мамлакатда буддавийлик тарихида энг муҳим ўрин эгаллаган шахслардан Бхскаравсарман ва Буддахалдасанинг Вибхашашастра китобининг изоҳини уч ойда ўқиб битиради.²⁷¹

Канакубжа мамлакатидан жануби-шаркка тўғри 600 *ли* юргандан сўнгга, Гангадвара дарёсидан ўтиб, жанубга тўғри ўрта Хиндистоннинг Аёдхия мамлакатига

²⁶⁹ *Ekem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre...* S. 63.

²⁷⁰ *Ekem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre...* S. 64.
²⁷¹ *Уша Муаллиф. Уша жойда.*

борилади. Хинаяна ва махаяна мазхаби ҳам мавжуд бўлган бу мамлакатда буддавий дини тааллуқли бўлиб буддавийлик тарихида муҳим будда роҳибларидан махаяналик Ёгажара роҳиби Васубандху ва Асанга дарс беради. Бу ўлканинг тарихий ёдгорликларини зиёрат этган Сюан Цзанг бироз кейинроқ кема билан Гангадвара дарёсидан шарққа тўғри саксон кишилик бир гуруҳ билан Аямуха мамлакатига кетади. Дарёда талончи кароқчиларга учрайдилар ва Сюан Цзанг ҳам келишган одам бўлгани учун дурга (кароқчилар гуруҳи номи) кароқчи тарафидан қурбон қилиниш таҳликасини бошдан кечиради. Жами 400 ми дарё йўлидан сўнгра фақат Аямукха мамлакатига боришади. Бу ердан шимолига тўғри хужмдори ва халқлари буддавийликни қабул қилган бир жой сифатида машхур бўлган Прагта номи мамлакатга боришади. Бу ердан жануби-ғарбга тўғри 500 ми юргандан сўнг, Каушамби мамлакатига борилади. Бу мамлакатнинг тарихий ёдгорликларини ва катта будда роҳибларининг қабрларини зиёрат қилгандан сўнг, шарққа тўғри 500 ми юришиб, Вишакка мамлакатига борилади. Бир қанча буддавий роҳиблари дарс берган бу мамлакатни зиёрат этган Сюан Цзанг шимоли-шарққа тўғри 500 ми юргандан сўнг, Шраваста номи бир қанча машхур будда роҳиблари яшаган, Буюк будда ёдгорликлари ва буюк роҳибларнинг қабрлари ҳам жойлашган мамлакатга боришади ва у жойларда зиёрат қилади. Бу ердан жануби-шарққа тўғри 800 ми юргандан сўнг, айни замонда фақат харобага айланган Капивасту мамлакатини ҳам зиёрат қилади. Бу мамлакатдан шарққа тўғри 500 ми юргандан сўнг, Рама мамлакатига боришдан ва Будданинг Шарира илоҳаси жойлашган бир ступани зиёрат этади. Бу мамлакатнинг шарқида бир ўрмон жойлашган. Ўрмондан ўтувча Кушинагара номи қадимдан буддавийлар учун жуда муҳим, аммо харобани айланган ва бир қанча тарихий ёдгорликлар жойлашган мамлакатга келишади. Бу ердан 500 ми юргандан сўнг Барангаси, бу ердан шарққа тўғри Гангадвара дарёсидан

тўғри 140 ми юргандан сўнг буддавийлар қурган Вайсали мамлакатларига боришади. Бу мамлакатдан шимоли-шарққа тўғри 500 ми юргандан сўнг, Врли мамлакатига, шимоли-ғарбга тўғри эса минг тўрт юз ёки минг 500 ми юқликдаги Непал мамлакатига боришади. Вайсали мамлақатидан жанубга тўғри Гангадвара дарёсидан ўтиб, ямси 100 ми юргандан сўнг Светапур шаҳрига борилади ва бу ерда Бодхисаттвапитакасутра жойлашган²⁷². Бу ердан жанубга тўғри Гангадвара дарёсини кечиб Гангадан сўнгра, Магадха мамлакатига боришади²⁷³.

Магадха мамлақати Сюан Цзанг даврида буддавийликнинг энг буюк ва энг кутлуғ жойи эди. Буддавийлик дини тарихидаги энг машхур буддавийлар ҳам бу мамлакатда яшар эдилар. Будданинг ўзи ҳам шунинг катта қисмини бу мамлакатда ўтказган эди. Бир қанча кутлуғ ёдгорликлари жойлашган бу мамлакатда буддавийларнинг биринчи ва иккинчи ёдгорхоналари қурилган эди. Сюан Цзанг даврида буддавийлик маданиятининг маркази эди, энг машхур ёдгорхоналар бор эди ва бу ибодатхоналарда буддавийликнинг моҳияти ўрганилар эди. Замонасининг энг машхур Махаяна устозлари бу ерда яшар эди. Сюан Цзанг уч йиллик бир саёҳат қилгандан сўнг, тахминан бу ерда бу мамлакатга етиб келади. Наланду ёдгорхонасида замонасининг энг буюк Махаяна устози Ёгажаранаеважа састрани уч марта, Ченгусра састрани бир марта, Пракаранаряважа састра ва Дуйфилун бир марта, Хетувидя, Сабхавидья ва Промиссамужжаяни икки марта, Магхямикашастра ва Кашистрани уч мартадан ўрганади. Бошқа Абхидхар-протинашастра, Вибахашастра, Шатпадашастра ва Шаткармамахаविдашашастра каби китобларни анча вақт Кашмир мамлақатида ўрганган эди. Фақат бу ерда қолганча ва Хинд ёзувини ҳам ўрганади. Сюан Цзанг бу мамлакатда жами беш йил қолади. Бу ердан яна йўлга

²⁷² Хуан Ё. Hsüan-Tsang Ssuahetshesi 'ne göre... S. 66.

²⁷³ Хуан Муаллиф. Ўша жойда.

чикиб, Хинаяна мазхабининг Сарвастивада (дунёдаги хар нарсанинг керак бўлишига ишонган Будда тарикати) йўналиши фаол бўлган Хирангяпарвага мамлакатига боришади ва бир йил қолиб, катта жаноблар билан Татхагатагупта ва Кшантисимхадан яна Няяну-сарашастра ва Вибхашашастра каби асарларни ўрганади. Алоҳида бу мамлакатда жойлашган Будда билан алоқадор баъзи култуғ тушроқларни ҳам зиёрат этади.

Хирангяпарвага мамлакатидан йўлга чикиб, Гангадвара дарёсининг жануб кирғоғидан шаркка тўғри 300 ми юргандан сўнг, Жампа номли Хинаяна мазхабига мансуб бўлган мамлакатга боришади. Бу мамлакатдан шаркка тўғри 400 ми юргандан сўнг, Кажудхира мамлакатига, бу ердан шаркка тўғри Гангадвара дарёсини кечиб ўтиб, 600 ми юргандан сўнг Махаяна ва Хинаяна мазхабини бир орада ўрганган Жанубий Хиндистондаги Пундравардхана мамлакатига борилади. Бу ерда антик саройларни ва Будданинг дарс берган жойларни зиёрат қилади. Жануби-шаркка тўғри чамаси 900 ми юргандан сўнг Шаркий Хиндистондаги Карнасуварна мамлакатига боришади. Бу мамлакатда Хинаяна мазхабининг Саммитий таълимотини қабул қилганлигига қарамай, сут ва қатик, пишлок каби сут маҳсулотларини емайдилар. Бу ҳолат Будда ва унинг таълимотига қарши қарши чикиб, бошқа бир мазхаб курган Будда билан амаки ўғиллари бўлган Девадаттанинг яратган қоидалари билан алоқадордир. Бу ердан жануби-шаркка тўғри юргандан сўнг, Шаркий Хиндистонда ва денгиз кирғоғида жойлашган Саматата мамлакатига борилади. Бу мамлакатда буддавийлар асли мазхаби бўлган Стхавирата мансубдирлар. Алоҳида Дева каби бидъатлар ҳам кул. Сюан Цзан бу мамлакатнинг шарқда жойлашган олти мамлакатни ҳам зиёрат этади. Саматата мамлакатидан ғарбга тўғри 900 ми юргандан сўнг, денгиз кирғоғида жойлашган Тамралитти мамлакатига, бу ердан жануб-ғарбга тўғри Удра мамлакатига боришади, Удра мамлакатидagi буддавийлар Махаяна мазхабинини қабул қилишади, фақат айни замонда Дева каби

бидъатлар ҳам бор. Бу мамлакатдан жануб-ғарбга тўғри ўрмонзордан ўтиб, 200 ми юргандан сўнг, Конёдха мамлакатига бу ердан жануб-ғарбдаги катта ўрмондан 1400 ёки 1500 ми юргандан сўнг, Калинга мамлакатига боришади. Бу мамлакатда буддавийлар кўпчилигига қармай, Дева каби бидъатлар ҳам бор. Сайёх бу мамлакатда бир канча ой қолиб, бир брахман роҳибдан буддавий тарихида муҳим бир роҳиб бўлган Диннага булган Хетувидясасастрани ўрганади. Бу мамлакатнинг жанубидан жануби-шаркка тўғри ўрмонзорда 900 ми юргандан сўнг, Джанякатака мамлакатига боришади, бу ердан жанубга тўғри чамаси 1000 ми юргандан сўнг, Джанякатака мазхабининг Трипитакасини билган (убоҳути ва Сура номли икки роҳибга учради ва бу мазхабнинг Мулабдхидхарма каби таълимотларини ўрганимок учун бир неча ой қолади. Айни шаклда сайёх ҳам уларга Махаяна хақида бир канча маълумотлар берили ва шундай қилиб уч киши биргаликда саёҳатга чиқадилар. Бу мамлакатдан ғарбга тўғри чамаси 1000 ми юргандан сўнг, Жанубий Хиндистоннинг Жоля мамлакатига, бу ердан жанубга тўғри ўрмондан ўтиб, 1500 ёки 1600 ми юргандан сўнг, Жанубий Хиндистоннинг Дравида мамлакатига боришади. Етмишдан ортиқ роҳиблар билан бу мамлакатдан шимоли-ғарбга тўғри йўл олади ва 2000 ми юргандан сўнг, Конкананпура мамлакатига, бу ердан ҳам шимоли-ғарбга тўғри йиртқиш хайвонлар бўлган бир ўрмондан ўтиб, 2400 ёки 2500 ми юргандан сўнг, Махаратра мамлакатига боришади. Бу мамлакатда Махяна ва Хинаяна мазхаби бирликда ўрганилган бўлиб, алоҳида Дева каби бидъатлар ҳам бор. Бу мамлакатдан шимоли-ғарбга тўғри чамаси 1000 ми юргандан сўнг, Жанубий Хиндистоннинг Бхарукасача, бу ердан шимоли-ғарбга тўғри чамаси 2000 ми юргандан сўнг, Мадина, бу ердан шимоли-шаркга 2400 ёки 2500 ми юргандан сўнг, Ғарбий Хиндистондаги Атали, бу ердан шимоли-ғарбга уч кун юргандан сўнг, Кхеда, бу ердан шимолига тўғри 1000 ми юргандан сўнг, Вагабхи, ундан

шимоли- ғарбага тўғри 700 ми юргандан сўнгра Ғарбий Хиндистондаги Анандпура, бу ердан шимоли-шарқга 1800 ми юргандан сўнг, Сураштра, ундан шимоли-шарқга тўғри Гуржара, бу ердан жануб-шарқга тўғри 2800 ми юргандан сўнг Ужжани, бу ердан шимоли-шарқга тўғри 1000 ми юргандан сўнг Жежакабхукти, ундан шимоли-шарқга тўғри 900 ми юргандан сўнг, Ўрта Хиндистоннинг Манешваралура мамлакатларини зиёрат этади ва бу ердан яна Сураштра мамлакатига қайтиб кетади. Сураштра мамлакатидан ғарбага тўғри Ғарбий Хиндистоннинг Адинавачила, бу ердан ғарбага тўғри 2000 ми юргандан сўнг Ланкар мамлакатига келишади. Бу мамлакат денгизнинг куйи оқимида бўлиб ғарбда Хсину мамлакатин, шимоли-шарқда эса Форс мамлакати жойлашган. Ланкар мамлакатидан шимоли-шарқга тўғри 700 ми юргандан сўнгра, Питашаида, ундан шимоли-шарқга тўғри 300 ми юргандан сўнг Аванда, ундан шарқга тўғри 700 ми юргандан сўнг Синдху, ундан шарқга тўғри 900 ми юргандан сўнгра бир дарёни кечиб ўтиб, Морасампуру мамлакатларига борилади. Морасампуру мамлакатига дагилар Дева эътиқолида бўлиб, бунга кўра ибодат қиладилар. Бу мамлакатдан шимоли-шарқга тўғри 700 ми юргандан сўнгра Шимолий Хиндистоннинг Парвата мамлакатига боришади. Сайёх бу мамлакатда икки санни қолади ва бу мамлакатнинг икки уч қатта будда рухонийсидан Хинаяна мазхабига мансуб бўлган Саммития гуруҳининг Самматиямулабхидхарамда, Садлхармасампариграхашастра ва Праксикшасатяшастра каби буддавийлик назарияси билан алоқадор асарларни ўрганади. Роҳиб яна жануби-шарқга тўғри Магалдха мамлакатига қайтиб кетади. Роҳиб бу мамлакатда жойлашган машхур будда рухонийси Пражнабхадранинг яқинида икки ой қолиб, Трипитака Хетивидя ва Шабдавидя билан алоқадор саволларга жавоб топиш учун ишлашга киришади. Ортдан ўша даврдаги энг машхур икки назариячи рухонийдан бири бўлган Жаясени жойлашган Чанг-линга кетаркан, Наланда ибодатхонасида

Нирвангитиматрасиддиншастра, Маноюктисастр, Абхаясид-дасастр, Апрагитшхитанирвана, Апрагитшхитанирванам-астр ва Дваласанидасастр каби назарий асарларни ўрганади. Алоҳида Ёгажарабхуми ва Хетивидя ҳақидаги саволларга ҳам жавоб топади.

Сюан Цзанг бу мамлакатда бўлган пайтда Силабхадра вади маҳанаичиларга қарши чиқади ва бу мазхабига тикилишча баҳо бермаган хинаяначилар билан тортишиб, даррини мағлубиятта учратади. Айни замонда Брахман тикили ва бошқа куфрли эътиқодларга қарши ҳам қувватли қозонади. Роҳибнинг кенг ва ишончли ишқумотлари бутун Хиндистонда ўрганила бошланади.

Магалдха мамлакатининг шарқда жойлашган ва буддавийликнинг Тантра мактабининг маркази бўлган макта мамлакат Камарупанинг хукмдори Сри Кумара (юан Цзанни зўра ўзининг мамлакатига даъват этади ва бир ойдан сўнгра, Магалдха мамлакатининг хукмдори Харша Вардхананинг қароргоҳи бўлган Кажуддхирата қиладди. Хукмдор Харша Вардхана Сюан Цзанг билан бутун суҳбатдан сўнгра шахсиятига ва билимига хайрон қолади. Бу сабабдан Харша Вардхана, бутун Хиндистонда буддавийлик ҳақида бир илмий тортишма мунозара тузини хоҳлашини билдиради. Хиндистоннинг бешта қудулида ўн саккиз мамлакатдан келган хинаяна ва мақиланачилардан 3000, брахман ва Нигрантхажнатипутра вади куфрли эътиқодлардан 2000 роҳиб, Ганга дарёсининг юқори қисмида жойлашган Канакубжа шаҳрида жойлашадилар. Сюан Цзанг бу ерда буддавийликнинг бутун мазхабни ва мактабни дин одамлари билан Маҳана мақабининг устуңлигини тортишади ва кенг билими билан буни исботлайди. Ўн саккиз кунлик бу тортишув мунозарасидан сўнг, маҳаначилар унга Маҳаяна Дева, мақиланачилар эса Макса Дева лақабини берадилар. Сюан Цзанг ўн етти йиллик ўрганишлар натижасида энг юксак мартабага эришади ва шуҳрати ортади. Мунозарадан сўнгра Сюан Цзанг ўз мамлакатига қайтишни истади, фикриг хукмдор Харша Вардхана унинг кутлуғ бўлган

Прагта мамлакатига кетаркан, етмиш беш кунлик олгинчи катта бағишлов тантанасида иштирок этишини истайди. Танга ва Жамна дарёлари бирлашган нуктанинг фарбий куйи окимида жойлашган бу мамлакат 15 ёки 20 ли квадрат кенгликда бўлиб, анча аввал беш бағишлов тантанаси ҳам нишонланган. Бу бағишлов тантанасига беш юз минга яқин роҳиб ва халқ жалб этилади ҳамда саксон кунда тамомланади. Халқ эса бир неча кундан сўнг тарқалади. Шу тарзда хукмдор Харша Вардхана беш йилда тулпанган даромадини бутунлай таркатади.

Сюан Цзанг бу тантанадан кейин яна Хитойга қайтиши истагини билдиради, факат хукмдор Харша Вардхана уни чамаси ўн кун қолишга кўндиради. Ниҳоят, Сюан Цзанг Харша Вардхана билан Сри Кумара номи бу икки хукмдорни ишончини қозониб, Хитойга қайтишга хозирлик кўра бошлайди. Роҳиб Сюан Цзанг йўлга чиқаркан Гаочан хукмдори ва унинг онасига берган сўзининг устидан чиқини учун Гаочанда бир муддат қолишни режалаштиради ва шу тарзда Хитойга қайтишга аҳд қилади.

Сюан Цзанг Прагтадан Хитойга тўғри йўл олиб, жануби-ғарбга тўғри бир ўрмондан ўтиб, етти кун юргандан сўнг Каушамби мамлакатига етиб келади. Бу ердан шимоли-ғарбга тўғри бир ойдан орттиқ юриб, бир канча мамлакатлардан ўтади. Кутлуғ Кўк Мардиванни яна зиёрат қилади. Бу ердан уч ёжана (хиндларда етти ёки саккиз мил, кирк ли) шимоли-ғарбга юргандан сўнг, Вирасана мамлакатининг пойтахтига етиб келади ва анча аввал Наланда ибодатхонасида биргаликда Абхидхар-макошашастра ва Вижнаптимастратасиддхипашастрани ўрганаркан, иккита мактабдош дўстини учратади. Дўстлари билан буддавийлик хакида музокаралар қилади ва икки ой у ерда қолгандан сўнг яна йўлда давом этади. Шимоли-ғарбга томон бир ой юргандан сўнг бир канча мамлакатлардан ўтиб, Жаламдхара мамлакатига етиб келади. Бу ердан бир ой қолгандан сўнг, ғарбга тўғри йигирма кун саёхатдан сўнг Синхапура мамлакатига етиб келади. Бу мамлакатда чамаси юзта буддавий роҳиблари

бор ва ҳаммаси шимолликдир (Хиндистон шимолидан?). Бу ердан айрилиб яна доvon йўлидан йигирма кун юргандан сўнг, Таксила мамлакатига етиб келади ва шихур роҳиб Чандрапрабханнинг ўз бошини кесиб «Ёмон кўли брахман»га бағишлаган жойни ҳам зиёрат этади.

Бу мамлакатдан шимоли-шаркка тўғри эллик ёжана юзликка Кашмир мамлакати бордир. Етти кун қолгандан сўнгра шимоли-ғарбга тўғри уч кун юради ва катта Синдху дарёсига етиб келади. Дарёнинг ўртасига етгач, шамол ва тўлқинлар сабабли баъзи тул туҳумлари ва эллик бўлимдан иборат китоблар дарёга тушиб кетади. Дарёнинг қарши куйи окимида Каписа хукмдори уни еттиб олишга келади ва роҳиб бу мамлакатда эллик кун қолиди. Бу давр оралиғида Сюан Цзанг дарёда йўқолган каскабия буддавий мактабининг Трипитака китобининг роҳисини олиш учун Удана мамлакатига одам жўнатади. Кашмир хукмдори Сюан Цзангнинг келганини билганча уни зиёрат этиш учун бу ерга келади ва бир неча кун қолиди. Сюан Цзанг Каписа хукмдори билан биргаликда шимоли-ғарбга тўғри ҳаракат этади ва бир ойдан орттиқ юргандан сўнг яна Каписа давлати хоқимияти остида яшган Ламгон мамлакатига етиб келади. Каписа хукмдори Лампака пойтахтида айнан хукмдор Харша яни етмиш беш кунлик Панжапарисад бағишлов тантанасини ташкил қилади. Бу ердан жанубга тўғри ўн беш юргандан сўнг, Каписа хоқимияти остида бўлган Нарну мамлакатига етиб келади ва тарихий китобликларни зиёрат қилади. Бу ердан шимоли-ғарбга юриб Авакан мамлакатига, бу ердан шимолга 500 ли юргандан сўнг Врижистхана мамлакатига етиб келади ва бу мамлакатдан шаркка тўғри Каписа мамлакатига юришади. Каписа хукмдори Сюан Цзангнинг шарафига етти кунлик бағишланган тантана ташкил қилади.

Сафарноманинг ёзиллиши

Роҳиб Сюан Цзанг 627 йилда ғарбдан тўғри йўлга юрғанда худуд қонунини бузган бир қочок эди. 644 йилининг илк баҳор ва ёз ойлари орасида роҳиб

Хиндистондан Хитойга кайтаркан Хўтанга етиб келади. Бу ерда рохиб Танг сулоласи императори Тай-цзунга бир мактуб ёзиб, ўзини буддавийликнинг хакикий назарияси ва фалсафасини Хитойга келтирмоқ каби юксак орузси сабабли конун ва қоидаларни бузиб, якка ўзи Хиндистонга кетгани, йўлда чуллар, Хиндикуш тоғи, Темир Қапиг ва Исиккўлдан кечиб ўтиб, буддавийликнинг кутлуғ шаҳри Ражагрхага етиб олгани, 50000 *ли* йўлни кушганда бир талай кийинчиликларни енгиб, ушбу етти йиллик саёхатнома натижасида хаётида кўрмаганларини кўрганини, хис қилмаганларини хис қилганини, замоннинг ажойиблиги ва дунёнинг ривожланиш суръати ичида кўрган кечирган ўзгаришларини талқик этганини ёзади. Императордан ўзининг авф этилиши фармонини кутиб, ниҳоят муродига етади. Император: «Устоз (Сюан Цзанг) бошқа мамлакатларни зиёрат этиб, шу онда қайтиб келганингизни билдим. Чексиз хурсанд бўлдим, дарҳол келинг, кўришамиз», дея бир мактуб жўнатади. Алоҳида рохибнинг пойтахт Чанъанга осулда келмоғи учун Хўтан Хукмдорининг ҳар турли ёрдамлар бергани, Хўтандан сўнгра Чанъанга кетиб, йўлда жойлашган бутун гарнизон кўмондонларига ҳам рохиб учун қулай таъминотлар амр этилади. Январь ойида Чанъанга етиб келган рохиб Сюан Цзанг пойтахтда жойлашган 20 *ли* узунликдаги йўлнинг ҳар икки тарафида давлат аркони бир неча юз минг киши ва халқдан ҳам минглаб киши бўлган мухташам бир тантана билан кутиб олинади. Бу пайтда шарқий пойтахт Лоянда жойлашган император Тай-цзун дарҳол Сюан Цзангнинг Лояндаги саройига келишини амр қилади ва учрашув белгилайди. Император «Устоз фарбага кетайтганингизда нега мента хабар бермадингиз» сўроғига рохиб саёхат исмати борлиги хақида қайта-қайта ариш орқали билдиргани, бироқ унинг аризаларидаги ислати конунга биноан қабул қилинмагани айтиб жавоб қайтаради. Император «рохиб ва оддий халқ орасида конунларнинг қўлланиши фарқлидир» деб, Сюан Цзангнинг ўзи бунча ўлжани зиёрат этишни қандай амалга

оширилганини сўрайди ²⁷⁴. Сюан Цзанг бу ютуқларнинг император сояси остида бўлганини таъкидлаб, бу мавзуда буддавийлик моҳиятидан фойдаланган ҳолда узун сўзлар билан императорга мактовлар ёғдиради. Императорга Порир тоғларининг фарбидан Хиндистонга қадар буғдан вилоятлар билан алоқадор турли маълумотларни бердим қилади. Бу маълумотлардан хушланган император Сюан Цзангнинг дарҳол Фарбий вилоятлар ҳақида бир китоб ёзишини, яна рохибликни йиғиштириб императорнинг маслаҳатчиси бўлиши хақидаги ислагини билдиради. У эса факат Фарбий вилоятлар билан алоқадор китоб ёзмокчилиги ва умрбўйи Хиндистондан келтирган брахман типидagi асарларни хитойчага тўриш ислати борлигини билдирган. Император буни қизиқниёт билан қабул қилган.

Бир йилдан сўнг (646 й.) Сюан Цзанг таржима қилинган баъзи буддавий асарлар билан биргаликда Тай-цзуннинг ислагини бажо келдириб, Фарбий мамлакатлар қозондиги китобини ёзиб тугатган. Шу йили еттинчи йилнинг ўн учинчи кунида ушбу мавзу билан алоқали бўлган император Тай-цзунга ёзган мактубида «Авалло Лоянда мени хузурингизга қабул этган кун Фарбий мамлакатлар хақида саёхатнома ёзишимни амр этганини, Шу онда у тамомланган шаклдадир» деб императорга маълум қилган эди.

«Да Танг Шинюй жи»
(«Буюк Танг сулоласи давридаги Фарбий
мамлакатлар хотираси»). 1-бўлим.
Туркчадан таржима.

Қадимги Таочан худудидан чиққандан сўнг унга яқин мамлакат бўлган А-чи-ни (Ўтмишдаги номи Янчи / Уанци) мамлакатаги бошланади.

²⁷⁴ *Кэот Е. Hsüan-Tsang Szuahetnemesi'ne göte...* S. 81.

²⁷⁵ *Александрова Н. В. Путь и текст: китајские паломники в Индию, Москва, Вост. лит., 2008. С. 366.*

Ачини давлати (корашахар)

Ачини давлати (хитойча аслитда *Aqini-guo* 阿齊國)нинг худуди шарқий чеккасидан ғарбий чегарасигача бўлган узунлик 600 ми²⁷⁶, шимолий чеккасидан жанубий чегарасигача бўлган масафа эса 400 мига яқиндир. Пойтахтининг кенглиги олти ёки етти лидир²⁷⁷. Мамлакатнинг тўрт тарафи тоғлар билан ўралган,

²⁷⁶ Ми - хитойча узунликини ўлчаш бирлиги бўлиб, у ўрта асрларда 576 метрга тенг бўлган. Тутушпева Л.Ю. Уйгурскан версия биография Сюань-Цзана (фрагменты из Ленинградского Рукописного собрания Института востоковедения АН СССР), М., «Наука», 1991. С. 4.

²⁷⁷ А-чи-ни кадимги Янши бўлиб, турли хитойча тагаффуларда ёзилди. А-чи-ни кадимги Хиндистоннинг Олов тантриси бўлган Агнининг, Янши тилида Арги, Арки ёки Арсининг хитойча ёзилишидир. Бавзи талкикотчилар муслмон манбагаридаги Солми ёки Сулмининг Янши бўлганини ўртала кўймоқдандир. Пойтахти Юан-чу бўлган Янши мамлакати Хан сулоласи даврида кўп аҳоли нуфузига эга бўлган катта ўлка эди ва Чини мамлакатига 835 ми узокликдадир. Хан сулоласи хукмронлиги охиридаги поймак Ханхэ шаҳрига кўчирилди. 644 йилда Танг сулоласи генерали Куо Хэисаке тарафидан эгаланган. Бу даврда Танг сулоласи минтақада аскарлар гарнизонини ташкил этиб, ғарбий чеграсини Янши мамлакатига қадар кенгайтирган. 676-690 йилларда тибетликларнинг ҳокимияти остига кирди. Тарихда Янши мамлакати турк-хитой рақобатига сабаб бўлган минтакалардан бири бўлган. Янши хукмдори ҳам турклар билан қудда-андачилик муносабатларини боғлаган. 840 йилда Уйғур давлати йиқилгандан сўнг, бир тўрух уйғурлар Панг тегни бошчилигида Янши мамлакатига чекинган. Кейинги даврларда Янши Гаочан Уйғур давлати, Қорашитой ва Бешбаник бошқарувининг бир парчаси сифатида қолган. 1757 йилда манжурларнинг жуңгорларни мағлуб этиши билан Янши шаҳри харобага айланган. 1758 йилда манжур императорлиги кадимги Янши яқиндаги Анчян кентини кенгайтириб, янги бир шаҳар барпо этади ва унга Қорашахар номини берган. 1759 йили манжур императори Қорашахарда Янши туманини ташкил этган. 1898 йилда эса Қорашахарга тақрор Янши номи берилган.

Бу номилар таҳликаги ва мулофаси қулайдир. Бу мамлакатдан ўтган булок сувлари ва дарёлар бир-бирини кениб ўтади. Тупроқларида кизил тарик, тарик, бугдой, шилик бугдой, узум, нок каби мевалар бор. Икклими ғарбий ва мўътадил. Ёзуви хиндлардан олинган, фақат бироз ўзгаришлар бор²⁷⁸. Халқи пахтали ва жушли инимлар қияди. Бозорларда олтин пул, қумуш пул ва тунг жез пуллар қўлланилади. Хукмдори мамлакатнинг мақоллий аҳолисидан чиққан, кучли, аммо стратегик нурияти бироз заиф, ўзини бир қурашчи сифатида мактаб инитди²⁷⁹. Мамлакатда қонун йўқдир, мавжуд қоидалар

«Йеи сулоласи тарихи» ва «Чжоу сулоласи тарихи» номили асарларда Янши мамлакатининг ёзувини санскритча экани айтилса, «Суй сулоласи тарихи»да санскритчага ўхшашлиги айтили маълумот келтирилган. XIX аср охири - XX аср бошида Турфон, Қорашахар ва Куچار худудларида очилган қазинотлар натижаларида санскритча ёзувининг бошқа бир версияси билан ёзилган ёзув белгилари топишган. Бошида бу ёзув ўқилмаган ва илк марта олмон олими Е.Демманн бу ёзувга «ашварча ёзув» номини берган. 1907 йилда Миллер эса ушбу ёзувни «тохарча ёзув» деб атаган эди. С.Голштыёйн ва С.Конов ва Хутан минтақасининг сака тилини тохарча сифатида танитиши тақлиф қилган. Талкикотчиларнинг XX асрнинг бошида 10 йиллигига оид тохарча ҳақидаги талкикотларда айтилган тилининг хинд-европа тил оиласининг кентум гуруҳига оид эканлиги, А ва В сифатида икки лаҳжага бўлиниши илгари айтилган. 1913 йил француз олими С.Левининг тохарча ҳақидаги ақиқотида тохарча В лаҳжасининг Куچار тили эканлигини аниқлайди. 1949 йили талкикотларда минтақада мавжуд қонун ёзув тилларини олдий тохарча сифатида қараш янглиши айтилган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, французлар қонундан Шимолий Афғонистон худудида ҳақиқий тохарча қонунини топилиши натижасида бавзи талкикотчилар қонунлиги ёзувининг Қорашахар-Турфон тили (яъни А тили) ва Куچار тили (яъни В тили) сифатида тушунилишини тавсия қилишган. Бавзилари эса яна тохарча номининг давом айтилишини тарафдорларидир.

«Сюан Цзангдан аввалги Янши мамлакати хукмдорининг номи айтили маълумотлар етарли эмас. 58-88 йилларда хукмдорнинг номи Шун, ўзининг номи эса Чунгдир. 89-94 йилларда

хам етарли эмас ва вазифалар жойига келтирилмаган. Чамаси унта буддавий ибодатхонаси, икки мингдан ортик будда роҳиби бор, Хинаяна мазхаби²⁸⁰нинг Сарвастивада хукмдорнинг исми Куанг ва унинг оркасидаги хукмдорнинг исми Юан-мент бўлиб, 127 йилда тахтта чиқади. 280-289 йилларда хукмдорнинг исми Лунг-ан ва ўгли Лунг-хуи ва невараси Лунг-хси сифатида берилди. Бу маълумотларда келтирилган исмларга кўра, Йенчи мамлакати хукмдори Лунг(аждар)дир. Вей сулоласи давридаги қайларда хукмдорнинг шарифи Лунг ва исмининг Чиушипина (Кушипина) экани ва Лунг-хсининг сулоласидан келгани очикча кўринади. 606 йилда ўлка хукмдорининг исми Лунг-Тучи-Хмсидир. 632 йилда Янчи ўлкасининг хукмдори Лунг-ту-чи-ши ва Танг сулоласи билан алоқа ўрнатган. 644 йилда туркларнинг кариндоши бўлган хукмдор Лунг-ту-чи-ши Танг сулоласи генерали Куо-Хсисво-ке тарафидан тахтдан ағдарилган ва унинг ўрнига Танг сулоласи кўпини ёрдам берган укаси Су-по-чун ўтказилган. Сюан Цзан Янчи мамлакатига борганда, ушбу давлат тепасида Лунг-ту-чи-ши тургани эхтимолдан узок эмас.

²⁸⁰ Буддавийлик асосчиси Сиддхарта I гаутама ҳаёти давомида турли ерда ва турли кишига таълимотини ўрнатгани учун унинг муридлари тарафидан турлича ақидалар пайдо бўлган. Ҳалимидан тахминан 100 йил сўнгра будда таълимоти ҳақида шаклланган фикрлар орасида фарқлар янада ойдинлаши бошлайди ва бу таълимотларнинг барчаси яшashi билан узок қолишини даъво қилган бир гуруҳ янгиликпарварлар миллоднинг илк йилларида буддавийликни маълум метёрда тартити келтиришни бошлаганлар. Умумий ҳулосата келинган ва шу таразда буддавийлар мухофазакор бўлган Зеравада билан янгиликчилар бўлган Махасангкиха номида икки мазхабга ажрашган. Тарихий жараёнларда бу бўлинми Зеравада мазхабида 11 ва Махасангкиха мазхабида 9 та бўлган жами 20 та гуруҳ пайдо бўлиши билан яқунланган. Миллоднинг биринчи минг йиллиги арафасида бу тартитбисизликдан кутулиш на буддавийликнинг аслига қайтиш учун шаклланган янги буддавийлик окими Махяна, булок етказувчи мазхаби пайдо бўлади ва анча аввал йигирмага бўлинган эски гуруҳларга Хинаяна, яъни кичик етказувчи деган ном берилган. Хинаяначилар Архатга эришиш учун ҳаракат қиларкан, махяначилар буддаликка эришишга интилган. Хинаяначилар факат ўзларини кутқариш учун ҳаракат қилсалар, махяначилар

тарикати²⁸¹ ни ўзлаштириб олганлар. Буддавийликнинг номини сутра ва қоидалари Хиндистондаги билан бир қилиб, бу мавзуда билим олганлар хиндча ёзувни ўқий қилишлар ва бу ёзувдаги матнлар билан шугулланадилар²⁸².

Биринликда умумни кутқариш учун ҳаракатланишган. Қондиричилар асл асарларда инсон мавжуд дунёда борлигини асар экан, махяначилар эса асл асарларда билимларни ривожлантириш билан инсон мавжуд дунёдаги борлигининг бўш қолганини даъво қилдилар. Хинаяначилар назарий изланиш ва теориялик ҳаётига руҳсат берар экан, махяначилар эса амалий қилишни ва роҳиб бўлмасда, ибодатни жойига қўя олиш қонунилиги тарафдордирлар. Хинаяна асл буддавийлик бўлинига қарамай, махяначилар томонидан тан олинмаган. Аммо, хитойлик буддавийлар ва бошқа шарқий осийлик мамлакатлар умумийликда хинаяна мазхабини орқادا қолганлик сифатида қабул қилади. Факат хинаянага мансуб бўлганлар буддавийнинг асл таъкинларига ўзларининг ҳамсуҳбат эканликларини даъво қилиб, махяначиларни янгилашганликда айблайдилар.

Саристиди тарикати тўлик номи Арьямуласарвастида, Зеравада мавжуддан ажратилган ва хинаяна мазхабининг йигирма гуруҳи билан энг машхуридир. Бу тарикатнинг пири Катяянипутра бўлиб, «Абхидхарма жхана прастхана» номли китоби асосий асарини асари сифатида қабул қилинган. Бу тарикат борлиқда асар нарсанинг мавжудлигини химоя қилиш билан белгиланувчи асар, хозирги дунё ва келажакдаги дунё бир бирининг давоми сифатида мавжуд бўлиши ҳақидаги қарашга эга.

Сюан Цзангдан аввалги хитойча қайларда роҳиблар Янчи мамлакатига буддавийликка аҳамият берилганини ёзиш билан бирга шу даврда анъанавий бўлган Тянь-Шанга ҳам ситинилишини қилишлар. Бу жараённи Гаочанда ҳам кузатиш мумкин. Тянь-Шан асосий буддавийлари асарларида борлиқни яратган Брахма дева ва Сакра деванам индра каби қадимги хитой илоҳлари ва буддавийликда ривоят қилинган бутун тангриларнинг номи сифатида дуч келинади. Қадимий хитой маданиятида тангри таъбиқаси мавжуддир ва тангри учун қўлланган «Тянь» сўзи ҳам таъбиқаси ҳам илоҳ маъносини аниқлатади. Факат хитой мамлакатларида, хусусан хитойлик бўлмаган қабилаларнинг таъбиқаси учун Тянь-шен, яъни илоҳий осмон тангри сифатида қай қилинади. Хитой манбаларига кўра, турклар хар йилнинг биринчи ойида Тарен дарёси яқинидаги бир жойга тулпаниб,

Рохиблар буддавийликнинг конун-қоидаларини пок қалбидан адо этишга ҳаракат қиладилар, факат уч турдаги гўштни ёйдилар ва хануз буддавийликнинг бошланғич даражасидадирлар.

Бу ердан жануби-ғарбга тўғри 200 ми юргандан сўнг, бир кичик тоғни ошиб ўтгач, икки дарёдан ўтиб, ғарбга тўғри кетилса, бир текисликка дуч келинади. Яна ғарбга тўғри 700 ми юргандан сўнг, Цзюй-ши мамлақати²⁸³ га борилади.

Цзюйши давлати (Кучар)

Цзюй-ши давлати (хитойча аслиятда Qizhi-guo 屈支国) шарқдан ғарбга чамаси 1000 ми, шимолдан жанубга 600 ми ёки 800 ми узунликдадир. Мамлакат қаттадир ва пойтахтининг кенглиги ўн етти ёки ўн саккиз лидир²⁸⁴.

Тян-шан учун дини маросимлар ўтказган. Бошқа кўчманчилар бўлган тоба-вейлар, жуан-жуанлар, тибетликлар ва мўғуллар ҳам унга ибодат қилган. Камбоджа ва Непал каби ўлкаларда ҳам буддавийликка ибодат қилинганга қарамай, яна Тянь-шанга ҳам ибодат қилинади. Хуларнинг ҳам Тянь-шани мавжуд бўлган.

²⁸³ Хитой манбаларида умумий сифатида Цзюй-ши шаклида ёзилади. Сюан Цзанг бу номи Цзюй-ши сифатида келтирар экан қадимий ўқилишининг ва ёзилишининг янглиш эканлигини ифода қилади. Холбуки, Сюан Цзан бир буддавий рохибни сифатида ушбу мамлакатнинг номини буддавий асарларда келтирилгандек шаклда берган. Хан сулоласидан Танг сулоласига қадар бу мамлакатнинг номи Чю-сүу шаклида берилди. 658 йилнинг бешинчи ойида 640 йилда Гаочангда тавенс қилинган Анси буюк гарнизони Чю-сүуга кўчирилди ва хитойча маълумотларда бу мамлакат баъзан Анси деб ҳам аталган. Юан сулоласи даврида (1278-1368 й.) бу мамлакатнинг номи Ку-хсиен (Кушон), Ку-ча сифатида келтирилган. 1758 йилда бу мамлакат манжур императорлиги тарафидан забт этилгандан сўнг номи Кучар сифатида ўзгартирилган ва бугунги қадар хитойчада Кучар сифатида қолган. Қадимий уйғурча матнларда Кусан ёки Кушан сўзининг ҳам Кучар эканлиги хақида фикрлар мавжуд.

²⁸⁴ «Хан сулоласи тарихи»га кўра, Цзюй-ши хукмдори Йен-ченгда жойлашган. «Сўнгги Хан сулоласи тарихи», «Пан-чао»

Гурони тарик ва бугдой етиштиришга қулай. Турли турмуш навлари етиштирилади. Узум ва анор экилади. Нок, ўрик, шафтоли жуда кўп. Мавданлардан олтин, қумуш, темир, кўрғошин ва қалай бор. Икклими меъёрий ва мўтадил. Ёзувни хиндлардан олганлар, аммо баъзи фирқалар бор. Пуфловчи чолғу асбоблари, симли чолғулари, мусикалари ва рақслари билан ҳам бошқа мамлакатлардан устун. Ипақли ва жузли кийимлар қиладилар, очиларини кесиб, бош кийими қиладилар. Савдода олтин, қумуш ва кичик кўрғошин танга ишлатилади. Хукмдор Цзюй-ши уруғидандир, ақл ва идора бобида укүвсиз ва кучли мазмурларнинг сояси остида²⁸⁵.

Иккисракида ўрин олган Танг сулоласи тарихчиси Ли-хсиеннинг баъзо хитойча кўра, Цзюй-ши хукмдори Чу-йен шаҳрида ўтирган. Танг сулоласи даврига қадар Цзюй-ши хукмдори Йен шаҳрида қолган

бу Ю-луо-лу шаҳрида жойлашган деб кўрсатилган.
Мил. авв. 73-49 йилларда Цзюй-ши хукмдорининг номи илк марта қайдларда Цианг-пин сифатида келтирилган ва ўлимидан сўнгги ўтги Ценг-те ўрнига келади. 46 йилда Ша-пе (Ёркенг) хукмдори Хсиен-циу-цзу мамлакатини забт этади ва ўтги Тсе-юо-юни унга хукмдор этиб тайинлайди. Бир неча йилдан сўнг, Цзюй-ши мамлақати халқи Тсе-луо-юта қарши чиқади ва уни қуририб хунларга тобе эканлигини эълон қилади. Хунлар Цзюй-ши мамлакатидagi уруғларидан бири бўлган Шен-туни Цзюй-ши хукмдори сифатида тайинлаган. 73 йили Цзюй-ши хукмдори Йен эди. 78 йили Хан сулоласи хукүмати Цзюй-ши қўлга киритиш учун хитойда рохиб бўлган Цзюй-ши зодагонларидан Пан-пани Цзюй-ши мамлақати хукмдори қилишни истаган. 91 йилда Хан сулоласи ғарбий ўлкалар гарнизон қўмондонни Пан-шо, Цзюй-ши мамлақати хукмдори Йоу-ли-туони йўк қилиш учун ўрнига Пай-пани ўтказган. Шундай қилиб, 648 йили Танг сулоласи тарафидан бу мамлақатни йўк қилиниб, хукмдори Кели-пу-ци-пи (Хари-пурса)ни қўлга олгунга қадар хукмдорнинг қулишининг кўпчилиги Пайлардан эди. Хари-пурса қўлга олгандан сўнг Танг сулоласи пойтахти Чаньанга кўчирилган ва 650 йили Цзюй-ши хукмдори сифатида яна ўрнига қайтган ва 659 йили Хари-пурса вафот этиб, ўрнига ўтги Су-чи келади ва Пай сулоласи оиласи Танг сулоласи химояси остида бир муддат қўмондорлиқни давом эттирган. Орада бир муддат

Янги туғилган боланинг бошини ясси холга келтирмоқ учун нозик тахта парчалари билан сикиб кўядилар²⁸⁶. Чамаси юзга буддавий ибодатхонаси ва беш минг буддавий роҳиби бор, ҳаммаси хинаяна мактабининг сарвасида тарикатини қабул қилганлар. Буддавийликнинг суфра ва қондалари Хиндистондан олинган. Бу устида ишловчиларнинг ҳаммаси хиндча мантнни ўқийдилар. Буддавийликнинг бошланғич даражасида қолганлар ва уч турдаги тоза гўштни истеръом қила оладилар²⁸⁷.

Та-лунг-ци ва Цин-хуа-ванг

Мамлакатнинг шарқий худудидида жойлашган шахарнинг шимолидаги Дева ибодатхонасининг олдида Та-лунг-ци (Қатта аждархо кўли) жойлашган.

тибетликларнинг тавсирига ҳам тушган. 788-789 йилларда буддавий роҳиби У-кун Хиндистондан Чаньянга кетаркан, Цзюй-ши мамлакатига келиб, унинг хукмдорининг номи Пай-хуан эканлиги ҳақида хабар берган. «Пай» «ок» дегани бўлиб, тадқиқотчилар Цзюй-шининг қадимий ўқилиши Кут-сини эса «ок ёки порлоқ» эканини ўртага ташлаганлар. Сюан Цзан бу мамлакатга келганда, мамлакат хукмдори Хари-пуранинг акаси бўлган Су-фа-тиен эди. Су-фа-тиеннинг отаси Су-фа-по-цун Сюан ўлганидан сўнг тахтга чиқади ва Танг сулоласи билан яқин алоқа ўрнатиб, биргаликда Фарбий туркларга тегишли бўлган унвонлардан бири «Бага элтабар» унвонини олган. Хатто Танг сулоласи Қорашахарга боскинчилик уюштираркан, ушбу хукмдор Янши хукмдорлиги билан иттифокчилик қилгани учун Танг сулоласига душман бўлиб қолади. Бу боғлиқликда Цзюй-ши хукмдори Су-фа-тиен сиёсий идрокки бор бир шахслар, Сюан Цзаннинг бу хукмдор учун қўлланган «ақи ва сиёсат боғида УЖУВСИДИР» ибораси унчалик тўғри келмайди.

²⁸⁶ Бу одаг Сюан Цзан саёхатномасининг 12-бўлимидида ўрин отган Пу-ча (Қашкар) мамлакатидида ҳам мавжуд эди. Худуддаги археологик тадқиқотлар натижаси бу одагнинг Сюан Цзан даврида мавжудлигини тасдиқламақда.

²⁸⁷ *Александрова Н. В.* Путь и текст: китайские паломники... С.153.

Аждархолар доимо ўз шаклини ўзгартириб, бия отлар билан жуфтлашадилар ва шундай қилиб аждархо тойи тузилади. (Аждархо тойи) қаттик бошли бўлиб, уни бошқариш ниҳоятда мушкул. Аждархо тойининг боласи боғлиқ билан кўлга ўргатилади. Анча аввал мамлакатда яхши отлар етиштирилади. Анча замонда билган манбалардаги маълумотларга кўра, яқин замонда Цин-хуа (Суварна-пушпа, Олтин чечак) номли бир хукмдор бор эди. Бу хукмдор давлатни адолатли бошқарувига тавсир кўрсатган аждархо хукмдорнинг бошқарувига ҳайвон сифатида ишлатилишини ўзини миниладиган хайвон сифатида ишлатилган бир вақтда истафиди, фақат хукмдор ўлими яқинлашган бир вақтда аждархонинг қулоғини камчилайди ва аждархо кўл истига кириб кетиб, бутунга қадар ҳеч кўринмайди. У даврларда шаҳарда қудук йўқ эди, халқ кўл сувини ичарди. Аждархо инсон киёфасига кириб, турли хотинлар билан қовушиб, ундан туғилган болалар жасур от каби инсон ҳамда эпчил бўларди. Шундай қилиб, аждархо инсондан келиб чиққан аҳолининг сони кўгайиб борди. Бу инсонлар ўз кучига ишониб, зулм қилиш ва хукмдорнинг амрига итоат қилмасликка ҳаракат қиладди. Шу сабаб хукмдор туркларни даъват қилиб, ушбу инқирдаги ёшу-қари барча одамларни қатг эштириб, деярли ҳеч бир одамни қолдирмаган. Шу онда шаҳар қаробага айланган ҳолатда ва одамлар яшамайди.

Жуфт Чжао-ху-ли ибодатхонаси

Хароба ахволидаги шаҳарнинг 40 ли шимолида тоғ оғлида бир дарё билан ажралган икки ибодатхона бор. Хар икки ибодатхонанинг номи Чжао-ху-ли бўлиб, кўрилишига қараб шарқ ва фарбга ажралди. Бу ердаги булда хайкалининг архитектураси ва декорацияси инсонлар эгаллаган маҳорат намунаси. Роҳиблар пок ибодатхоналар, динларига жиддийлик ва чин юракдан ибодатладилар²⁸⁸.

²⁸⁸ *Александрова Н. В.* Путь и текст: китайские паломники... С.153.

Катта мажлис майдони

Пойтахтнинг фарбий дарвозаси ташқарисидagi йўлда ўнг ва чап чамаси тўқсон чи (2.9 метр) багандликда оёқда турган иккита Будда хайкали бор²⁸⁹. Бу хайкалларнинг олдида хар беш йилда катта мажлис чакириш учун бир майдон курилган. Хар йил Пу-фен даврининг ўн куни мамлакатнинг бутун рохиблари ушбу жойда тўпландилар. Юкорида хукмдорлардан настда бой ва камбағал халкларга қадар ҳаммаси дунёвий ишларини йнгиштириб бадан ва рухни тозалаш, диний ҳаётда яшаган холда вақтинглайдилар. Рохиблар ибодатхоналарда жойлашган будда хайкалларини мухташам шаклда безатадилар, ипаклар билан хайкалларни кийинтирадидилар ва хайкалларни араваларга жойлаштирадидилар. Бунга «Ҳсинг-хсианг» ҳаракат қилувчи Будда хайкали дейлади. Бу шаклда мингларча ҳаракатланувчи хайкаллар мажлис майдонига тўпланади. Умуман, оининг ўн бешинчи кунидан он сўнггига қадар хукмдор ва давлат аркони биргаликда тўпланиб, мамлакат ишлари хақида таллашадилар, катта рохибга маслаҳат соладилар ҳамда фестивалнинг қандан ўтказилишини халққа эълон қиладилар²⁹⁰.

Ашелнэр ибодатхонаси ва у билан алоқадор ривоятлар

Мажлис майдонининг шимоли фарбига тўтри бир дарёдан ўтгандан сўнг Ашелнэр (Қизикарли) ибодатхонаси жойлашган. Ибодатхона ҳам кенг, ҳам қудайдир, Будда хайкали маҳорат билан безатилган. Рохиблари ҳеч ҳам тамбал эмас, зерикмасдан жиддийлик билан ўз вазибаларини адо этадилар. Рохибларнинг ҳаммаси кесел ва ақлли кишилардир, юксак қобилиятлидирлар. Бу

²⁸⁹ Ўша асар. С.153; *Ekrem E. Nislan-Tsang Seyahetnamesi* ne göte... S. 101.

²⁹⁰ *Aleksandrova N. V.* Пуль и текст: китайские паломники С.154; *Ekrem E. Nislan-Tsang Seyahetnamesi* ne göte... S. 102.

ибодатдан узоқдаги олимлар уларнинг номини эшитиб, бу жойларга келадилар. Хукмдор, давлат аркони, бойлар ва юксак сохиблари ҳамда халқ уларнинг «Тўрт иш»нинг шаруатларини етказиб берадилар. Рохиблар хар кун илода кўп хурматга эга бўлади.

Қадимги манбалардаги қайдларга кўра, бу мамлакатнинг аввалги хукмдорлари Триратнага амал қилган. Хукмдор Будданинг излари бўлган қутлуғ жойлар ва қадимжоларни зиёрат этиш ҳамда буддавийлик дунёсини кезиш учун хозирлик кўрар эди. Йўлга чикмасдан аввал тоғасининг нойб хукмдор бўлишини амр қилди. Тоғаси амрни олгандан сўнгра, бошига тушадиған ар хул бўхтонни олдини олиш мақсадида яширинча ўз жинсий органини кеседи. Жинсий органини бир олтин кутн ичига кўйиб муҳрлайди ва хукмдорга беради. Хукмдор бу нима деб сўрайди, у ҳам қайтиб олганингиздан сўнг очасиз, деб жавоб беради. Хукмдор кутини эйтиборли маьмурга беради ва сафарга чикаришда ҳаракат қилган кўпинининг бу кутига назар чикмаслиги хақида амр беради. Хукмдор қайтиб олганида, хақиқатан тахмин этилгани каби бўхтончиларнинг олдига чикади ва хукмдорга «хукмдор унга чикаришкени бергандан сўнг харамдаги аёллар билан зино чикаришни қилди» деб тухмаглар ёғдиришсади. Хукмдор буни эшитиб, жуда жаҳли чикади ва тоғасига отир жазо берилишини истади. Тоғаси «олтин кутининг очилишини кесимос қиламан», дейди. Бундан сўнг хукмдор кутини олган ва унинг ичидаги кесилган жинсий аьзони кўради ва «бу гариб инсон нима демоқчи? Нимани очиклаш учун арикет қилыпсан?» дейди. У ҳам «зиёратга кетар экансиз оини нойб хукмдор бўлишингизни амр қилдингиз. Ишда хайкали хар қандай тухмаглар ва бағо келмасидан олдин бу жинсий аьзояини кесиб, ўзимнинг айбсиз аьзояинини исбот қилишни ўйладим. Шу он тахминим тўтри чикди. Хукмдорнинг бу ишни тафтиш қилиб аришини илтимос қиламан», дейди. Хукмдорнинг унга

бўлган хурмати янада ошади. Тоғаси харамга ҳеч тўсиқларсиз мардларча кириб чиқа бошлади...

Бу ердан ғарбга тўғри 600 *ли* юргандан сўнгра кичик бир чўлдан кечиб Балүцзя ²⁹¹ мамлакатига борилди. Балүцзя давлати ²⁹² хитойча аслиятда *Valüja-guo* /

²⁹¹ «Бу ердан ғарбга тўғри 600 *ли* юргандан сўнг» иборасидати «бу ердан» Кучарга тааллуки бўлган «Қизилқарми ибодатхона»нинг қайд қилингани аниқ эмас. Фақат Сюан Цзан биографиясига кўра, рохиб йўлга чиқаркан, Кучар хужмдори унга ёрдамчи ҳамда от билан туя каби хайвонларни ҳадя қилади. Халк ва Кучардаги буддавий рохибжари пойтахтнинг ташқарисига қадар улар билан йўлдош бўлганини ёзган. Биографияда у Кучар шаҳридан ғарбга қараб йўлга чиқкани айтилган. Рохиб ғарбга тўғри икки кун юрганган сўнг, икки мингдан орттиқ турк аскарларига дуч келган ва бу аскарлар Сюан Цзан ҳамда унинг хайъатининг молу мулки тортиб олинганини билганидан сўнг кетиб қолишади. Яна ғарбга тўғри 600 *ли* юрганган сўнг, кичик бир кўлдан ўтиб, Балүцзя мамлакатига келишган. Яна Кучар билан Балүцзя ораси 600 *лидан* орттиқ бир масофада эди. Аммо бу матнда фақат 600 *ли* сифатида ёзилган. Манжур даврида Кучар билан Оксүв ораси 800 *ли* бўлган. Бу сабабдан таджикотчилар Балүцзянинг бутунги Оксүвнинг шарқида экани ҳақидаги фикрни ўртага ташлагандлар. Балүцзянинг ўрни ҳақида Бай, Яккэарик, Қораюлғун, Оксүв ва Қорамакчин каби беш турли қараш борлигига қарамай, бутунги Оксүв ва унинг ичкарисини эканлиги қабул қилинган.

²⁹² Таджикотчиларнинг умумий фикрича, Балүцзяни санскритча «кум» маъносини билдирган Ба-лу-ка эканлиги қабул қилинган. Яъни, Па-лу-ча номи санскритчадан келганлиги аниқдир. С.Билга кўра, Ба-лу-қанинг қадимий номи Ку-мо бўлган жой Оксүвнинг шарқида жойлашган бўлиб, IV асрда Гангунинг шимолида жойлашган туркий қабиланинг номидан келиб чиқкани айтилган. Т. Уотерс эса Ку-монинг туркийчадаги «кум» билан алоқадорлиги ва Хиндистондан келган буддавий рохибларининг санскритчада «кум» маъносидати «Ба-лу-ка» номини ишлатганини илгари сурганлар. У-Кун саяхатномасида эса бу шаҳар ҳақида «Вей-жонг шаҳрининг бир номи Пу-хуан, тўғри ўқилиши эса Пу-хандир» шаклида маълумот берилган. «Янги Танг сулоласи тарихи»да жой олган Па-хуан шаҳри билан бир хил ўқилишдан келганлиги аниқ кўринади. Э.Шаваннга кўра,

Yulüka-guo 跋祿迦國) шарқ-ғарб сифатида чамаси олти юз *ли*, шимол-жануб сифатида уч юз *ли*дир. Пойтахтнинг кенглиги 5 ёки 6 *ли* квадратдир. Тупроғининг унумдорлиги, ислом хуСУСИЯТЛАРИ, инсонларнинг сажияси, кўринишлари, йўллари ва қойдалари Чу-цу мамлакати билан бир экандир. Мамлакатда мавжуд бўлган ингичка тоғали пахта ва жун газламаларни кўшни мамлакатларнинг одамлари хуш кўришади. Ўндан орттиқ ибодатхона, чамаси мингта рохиб бордир, ҳаммаси хинаяна индигабининг Сарвастида тарикатини қабул қилганлар.

Линг-шан

Балүцзя мамлакатидан шимол-ғарбга тўғри чамаси 100 *ли* юрганган сўнг, тошлоқ чўлдан ўтиб, Линг-шанга борилди ²⁹³. Ушбу тоғ Пунг-линг (Помир) тоғлари индигабининг шимол қисмини ташкил этади. Тоғда жойлашган дарёларнинг кўпи шарққа йўналган. Тоғ ва

Балүцзя «санскритчада Ба-лу-ка, арабчада эса Баркхуан, Барван, яъни Оксүвдир. Пу-хан ва Па-хуан арабча номи билан алоқадор йўлга керак. Арабча номини хитойликлар харҳолда араб санскритларидан олганлар.

²⁹³ Линг-шан номи алоҳида Сюан Цзанг саяхатномасининг 12-бўлимиде ва биографиянинг 9-бўлимиде, Будда мамлакатининг тарихи билан алоқали «Ци-ча-фанг-ци»нинг 1-бўлими ва «Фонг-тунг-чя»нинг 32-бўлимиде жой олган. Аммо Тангри тоғнинг шимолига ошиб ўтиш учун фойдаланишган Линг-шан номининг жойи аниқ эмас. Чунки хитой манбаларида айни номнинг бир-бирига яқин бўлган Бадал ва Муз довон (ёки муулуңчаси бўлган Мусур Аола) номи икки йўлак мавжуд ва билан хар иккисига Линг-шан номи берилган. Бу сабабдан таджикотчилар Сюан Цзантнинг қайси йўналишдан Тангри тоғини жанубидан шимолга ўтганлиги мавзусида ҳамфикр эмаслар. Сюан Цзанг Балүцзя мамлакатидан шимол-ғарбга 300 *ли* юрганган сўнг, Шигилга борди ва бу ердан ўтиб Бадал доволига тўғри Тангри тоғини ошиб ўтишга ҳаракат қилган. Ўшдан довони Оксүв шаҳрининг Учтурфон туманининг 83 километр жануби-ғарбиде жойлашган ва денгиз сатҳидан 4264 метр баландликдадир.

турли мамлакатлардаги ху-лу савдогарлари (сўғдлар) бу шахарда коришик холда яшайдилар²⁹⁷. Турпроғи тарик, таджикотчилар Сўёбнинг бутунги Кирғизистондаги Чу дарёси ёнидаги Тўкмок ёки унга якин бир жойда жойлашганини илгарн сураркан, Ж.Клосон рус археологларининг худосаларига таяниб, бутунги Тўкмокнинг жануби-ғарбида жойлашган Акбешим эканини таъкидлаган. Бу ҳақиқатта якин бўлиши эхтимолн юкорирокдир. «Янги Танг сулоласи тарихи»га кўра, «Иссиқкўлнинг жануби куйи оқимидан шимоли-ғарбга тўғри яни 40 ми юрганган сўнг, Тунг (бутунги Иссиқкўлнинг жануби-ғарбий куйи оқимидати Тунг номли бир жой) шахрига борилади. Яна 30 ми юргач, Ие-чи шахрига борилади. Бу ердаги водийдан чиққандан сўнг, Сўёб дарёсининг Иссиқкўлга куйиладигани жойига борилади».

²⁹⁷ Сўёб 632 йиллар атрофида Ғарбий турклар ҳукмронлигини ёйилган Худуд бўлган. Ша-по-луо-чнх-ли-ши хокон даврнда (634-639 й.) Сўёбнинг шаркида беш ду-лу кавми, ғарбида эси беш ну-шу-би кавми яшаган. Ўк ўк хоконлари сайловларини ҳар замон Сўёб дарёсининг шимолида 40 ми узокликда Чиех-тан тоғида ўтказган. 648 йилда Танг сулоласи Янги (Қорашахар) шахрини заёт қилгач, ғарбий чегаралари янада кенгайди ва Қорашахар, Кучар, Сўёб ва Қашғар тўрт гарнизони ташкил этилади. 657 йилги Танг сулоласи генерали Су-тинг-фанг Ғарбий турк хокони Ашина Хуо-луни енгиш учун жанг уюштирган. Ашина Хуо-лунинг чодирн жойлашган Бинг-юлга етиб боргач, Танг сулоласи кўшини бир қанча тўсиклардан ошиб ўтиб, Сўёб шахрида Ғарбий турк хокони Ашина Хуо-луни мағлуб этади, шундан сўнг Ғарбий хоконлик таназзулга учрайди. Танг сулоласи Ғарбий туркларнинг ун ўк тартибини бузмастан, беш ну-шу-би кавмининг бошита Танг сулоласига тобе бўлган Ашина Мишэ хоконни ўтказиб, ўрдаи Талосда бўлган Кун-линн гарнизонини тавсис этади. Сўёб шахрини кўлга олгач, Танг сулоласи бу худудда ўзининг кўшини бўлган Паота кўшинини жойлаштиради. 670 йилда бу ерда тўрт гарнизон тибетликлар тарафидан заёт этилгач, гарнизон системаси йўқотилган. 677 йилда Танг сулоласи генерали Пей-Хсин-чиен тибетликлар билан иттифоқчилик қилган ун ўк хокони Пуен-Ту-тини Су-мо шахрида мағлуб этиб, ушбу зафарни бир тошбиттикда қайда қилган. Шу даврда Пей-хсин-чиеннинг ёрдамчиси ва Анси гарнизони кўмондони бўлган Ванг-Фанг 679 йили Су-мо

бурдой ва узум етиштириш учун кулайдир. Дарахтлари оз ва сийрақдир. Икклими кескин, шунингдек, изғиринли ва қорукдир. Инсонлар пахта ва жузли ипақдан тикилган инбослар қиядилар.

Сў-йенинг ғарбида ўнга якин турли шахрлар жойлашган. Ушбу шахрларнинг ўз бошқарувчиси бор. Булар гарчи бир-бирларига қарам ва тобе бўлмасаларда, ҳаммаси тукюэ (тукюэ 突厥 – турк)ларнинг ҳукмронлиги остида²⁹⁸.

Су-ли мингакаси (Сўғдиёна)

Суйе-шуй шахридан Цзешуангна давлатига
(Herbiansha-guo 焉霜那国 – Кушана, Шахрисабз) қадар

гарнизон шахрини такрор тавсис қилган. Тўрт гарнизон яна янги тикланган. 682 йили қадимий Тинг-чоу (Бешбалик) гарнизони кўмондони Ту-хияй-пао Сўёб гарнизони кўмондони еригида тайинланиб, факат Ту-хияйнинг ёмон бошқаруви тувлар ва Танг сулоласи муносабатларига путур етказди. 692 йили октябрь ойида Танг сулоласи генерали Ванг-хсиао-чиен ибелликларни мағлуб этиб, Кучар, Хўтан, Қашқар ва Сўёб гарнизонини кўлга киритиб, тўрт гарнизонни қайта тавсис қилган. 693 йилда Сўёб гарнизони тепасида Ханну-чунг турган. Тўртн хокони Вучиле анча аввал Сўёбнинг шимоли-ғарбидати янги, бироз кейинроқ Танг сулоласи тарафидан тайинланган кавми карортохи Сўёбда жойлашган беш нушуби кавмининг кўмондори Хесе-лоуни мағлуб этиб, Сўёбни заёт этади ва ўзининг гарнизони бу шахарга кўчирган.

«Янги Танг сулоласи тарихи»га кўра, «Сўёб шахридан 10 ми юрганда Ми-куо шахри жойлашган. Яна 30 ми юргандан сўнг Кун-чег (Янги шахар)га борилади. Яна 60 ми юргандан сўнг Кун-чег шахрига борилади. Яна 50 ми юргандан сўнг А-шик-чеган шахри (Ашпара)га борилади. Яна 70 ми юргандан сўнг, Чу-лан (Кулан) шахрига борилади. Яна 10 ми юргандан сўнг, Чу-лан шахрига борилади. Яна 50 ми юргаса, Талос шахрига борилади». Хитой қайдномаларида Иссиқкўлнинг ғарбий куйи оқимидан Талосгача бўлган масофада жойлашган Худуд хақида таълимот берилсада, бу худудларнинг локализациясини аниқлаш ораюнда қийиндир.

чўзишган минтака Су-ли (率利) деб номланади²⁹⁹. Худуд аҳолиси ҳам айнан шу ном билан аталади, ёзув ва тили ҳам шу ном билан номланган. Ёзув хусусияти олдий ва ихчам, чамаси йигирма харф бор, улар бир-бирига қўшилиши билан сўз ясалади ва шу шаклда ортиб боради³⁰⁰. Ёзув белгилари жуда кам, ёзуви юкоридан

²⁹⁹ Су-ли Суғд ёки Суғдиёнадир. Хитойча Су-ли номининг келиб чиқиши хақида Я.Маркварт ўрта форс тилидаги Суғдикдан келганини ўртага қўйган. VI асрга оид хитой манбаларида Самарқанд ва унинг атрофидаги Бухоро, Фарғона, Маймури, Кеш, Кушония, Марв каби мамлакатларнинг ҳукмдорларининг ҳаммаси чжаовулардан экани айтилган. В.Томсен ўрхун китобаларидаги «чубун» хитойчадаги чжаову эканини тахмин қилган. Хитой манбаларида кўра, суғдлар қадимдан Сирдарё ва Амударё оралиғидаги маркази Самарқанд бўлган кичик бир худудда яшар эли, фақат Сюан Цзанга кўра, суғдлар Суёб шаҳридан Самарқанднинг жанубидаги Кушония, яъни Шахрисабзга қадар чўзилган кенг бир минтақада истикомат қила бошлаган. Ҳарҳолда, суғдлар турклар ҳукмронлиги даврида тижорат қобилияти билан янада кенг минтақада ёйлиб яшашга ўтган бўлса керак. М.Кашкарининг асарига келтирилган маълумотлар ҳам бунинг тасдиқлайди: «Суғлак Боласотунга келиб ўрнашган бир улусдир. Булар Суғдандирлар. Суғд Бухоро ва Самарқанд оралиғидадир. Булар туркларга хос хусусиятларни олганлар».

³⁰⁰ Хитой манбаларида вақти-вақти билан суғдча ёки тохарча, хатто хиндчада «ху тили» шаклида келтирилади. «Бугун Хиндистон худудига Брахман ўлкаси дея ном берилган. Шимолдаги Су-ли худудининг барчасига «Ху ўлкаси» дейилади. Хиндистоннинг беш худуди тамоман брахманча сўзлашадди. Хиндикуш тоғининг шимоли хулар ва тоғнинг жануби эса брахманлар ўлкасидир. Брахман ўлкасининг ёзуви хулар ёзувидан фарқлидир. Хсиех-шуанг-на (Кеш) билан бир хилдир. Ёзуви тахминан чамаси 20 харфдан иборат ва бир-биринга уланган холда сўз ясалади. Ёзуви юкоридан пастга тўғри ўқилади, хитой ёзуви хусусиятига ўхшайди. Тохар худудининг тўғри худудининг тили фарқлана бошланган. Тохар тили йигирма беш белгидан иборат ва ёзуви ёттик шаклда ёзилади. Фарбага тўғри Помир тоғини ошиб ўтгач, жанубга тўғри Каписа мамлакатига борилади ва худуддаги тил ҳамда ёзув Тохар мамлакатиники билан бир хилдир. Юкоридagi қориник тиллар хуларга оиддир».

пастга тўғри ўқилади, ўқитувчилар бу ёзувнинг наслдан-наслга ўзгартиришарсиз бир шаклда ўргатиб келмоқда ва ўқитувчилар ҳеч замон тўтамайди³⁰¹. Инсонлар пахта ва юнгли газламагардан қилинган кийимларни кийсада, теридан қилинган либослар ҳам бор. Либослари тор ва тез ҳаракат қилишга қулай. Сочларини тўғри кесиб, бош кийими киймайдилар. Бабзилари эса сочларини турмақ-ларди ва рангли ипак газлама билан боғлайдилар³⁰². Инсонлари йирик ва кучли, фақат хусусиятларида кўра кўржаклардир³⁰³. Халқи айёрликни ўзлаштирганлар ва ҳар фурсатда сохтакорлик ҳамда товламачилик қиладилар. Ҳолг очкўздирлар, хатто ота-ўғил ўртасида ҳам ғавғолар чиқади. Бойликлари мўл одамлар кимматли саналади,

³⁰¹ Суғд ёзуви оромий ёзувидан келиб чиққан. Археологик топилма-лардаги ёзув белгиларига кўра, ушбу ёзув тарихи номонида кўп ўзгаришларга учраган. Энг эрта IV асрга оид бўлган ёзув белгиларига кўра, суғдча хали мукамаллашмаган ёзув эди. 500 йиллар атрофидаги буддавий магнларига ўхшаш ёзув тили - суғд ёзуви шакллана бошлаган. VII асрда курсив суғд ёзуви пайдо бўлади ва VIII асрга келиб суғд ёзувининг инклининиши тугалланган. VIII асрдан сўнг монйийлик магнлари йилланган суғд ёзуви шаклланган. Суғд ёзуви энг сўнг Помир тоғида яшаган ягнобликларга учрайди. Суғдча ўнган чапта ёки юкоридан пастга тўғри ёзилади. Оромий ёзуви 22 харфдан иборат ва суғдчада буларнинг фақат 17 тасигина олинган. Фақат Сюан Цзанг унинг чамаси 20 харфдан иборатлигини ёзиб қолдирган.

³⁰² Тапг сулоласи тарихига кўра, «чжаовулар бурни катта ва кўчалари чуқур бўлиб, сокол-муйловлидирлар. Эраксларнинг ючалари кесилган ёки ўрилган. Ҳукмдори олтин каби кийматли инеблар билан безатилган бош кийими кияди. Маликалари сочларини ўрган холда бошининг устига жойлаштирадидлар. Кичирини эса олтин чечаклар билан безатилган қора рўмол билан ётадилар».

³⁰³ Тапг сулоласи тарихига кўра, «чжаовулар ичкиликсевар, кўнжик қуйлаш ва рақсага тушишга нўноқроқ бўлсада, рақсага тушиниши кўчаларда давом эттирадилар. Яхши отлари бор ва кўрнини бошқа мамлакатларга қараганда кучлироқ. «

яхши ва ёмонга ажратмайдилар. Халкнинг ярми деҳқончилик, ярми эса тижорат билан шуғулланади³⁰⁴.

Цян-цюан (Бинг-юл)

Су-ше шахридан ғарбга тўғри чамаси 400 ми юрганган сўнг, Цян-цюан (Qianquan 干泉)га борилади³⁰⁵.

Катта корли тоғ

Бу мамлакатдан шимоли-шарққа тўғри тоғ ва дарёларни ошиб ўтгач, Каписа мамлакатига тегишли атрофдаги ўн шахардан ўтгач, Бунок корли тоғ (Хиндикуш тоғи)нинг Кавак деб номланувчи катта тепалигига борилади. Тепа жуда бағанд ва хавфли бўлиб ошиб ўтиш кийин; тоғ ингичка ва эри-бутри йўллар билан ўралган. Сафар чуқур водийларда ва катта қиялиқли тепаликларда давом этади. Ёз ойининг ўрталарида корлар эриydi. Юрганда музни синдириб қалам ташлаш керак. Уч кун юрганган сўнг энг катта тепаликка етиб борилади³⁰⁶. Тепаликда каттик ва совуқ шамоллар эсади, корлар барча ерларни қоплаган, юриши

³⁰⁴ «Танг сулоласи тарихи»га кўра, «чжаовулар тўдак катта бўлганида тили ширин ва қўлларига тул ёпишқок бўлишини истаб, янги туғилган гўдакларнинг оғзига бол ва кафтларига ёпишқок нарсалар сурядилар. Тижоратда ниҳоятда уста ва чақасита қадар хисоб қиладилар. Эркаклар йигирма ёшга етар етмас ўзга ўлкаларга кетиб, савдо ишлари билан шуғулланади ва хатто Хитойгача савдо ишлари билан ташриф буюради. Яъни даромад қайда бўлса, улар ўша ердадир».

³⁰⁵ Сюан Цзанг биографиясида Цян-Цюан Пин-йу деб атагани хақида ёзилган. Бу *минг чамма*, *минг буюк* маъноларини англатади.
³⁰⁶ «Танг сулоласининг янги тарихи» («Шин Тантшу»)га кўра, «Вардак мамлакатининг пойтахти Ху-би-на (Нь-рi-ла) шаҳрининг шимоли-шарқидати Катта корли тоғ (Хиндикуш) жойлашган ва муз кишин-ёзин эримаслиги учун тоғдан қазан ҳолдагина ўттилади. Тоғдан ошгандан кейин тоғ этакларида Ан-да-ло-фу (An-tan-luofu/Андароб) мамлакати жойлашган».

юри ерларга қозик қоккан холда йўл олиш керак. Осмонда юридан лочинлар хатто бу тепани ошиб ўтолмайди ва юрган холда тепани кечиб ўтиб, учиб кетадилар. Бу тепадан шимолдаги тоғларга қаралганда кўринадиган тоғлар қичик юлдузлар каби қолади ва кўринади.

Қадимги Ту-хо-ло мамлакати (Тохаристон)

«Тис-мен (Темир Дарвоза / Темир Капиф)дан ўтгандан сўнг, қадимий Ту-хо-ло мамлакатига борилади³⁰⁷. [Бу

³⁰⁷ Ту-хо-ло мамлакати, араб-форс манбаларидаги Тохаристондир. Унда манбаларда Тохаристон номи 383 йилларга тегишли бўлган «Инохаша шастра» (*Vishāsa śāstra*) деб номланган буддавий асarning хитойча матнида биринчи марта эслатилган бўлиб, унда булди Тохаристон (*Tu-k'ylie*) мамлакатининг тилини бу ерда яшовчи аҳолидан ҳам яхшироқ тушунади, дейилган. Пуҗаченкова Г. А. Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия - Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). Ташкент: Фан, 1990. С. 123; Аннаев Т. Д. Раннесредневековая поселенция Северного Тохаристана. Ташкент: Фан, 1988. С. 3. Бошқа бир буддавий асар «Махимаюри» (*Mahimayūri*) даги яқшалар (илохалар) рўйхатида Тохаристоннинг «Ванравана» (*Vainravana*) исмли яқшаси зикр этилади. Таджикотчилар ушбу матндаги «Тухара» номи остида «Тохаристон халқи ва унинг Оке дарёси» деб тушуниш керак, деб ҳисоблайдилар. Бирок мазкур атаманинг тарих саҳнасида янгида бўлиши биров олдинроқ, яъни мил. авв. II асрга бориб қарайди. Бу атама антик муаллифлар мазлумот берган «Тохаридар» номи билан боғлиқдир. Тохаристон топоними қадимги этноним «тохар» — кўчманчи юзўқчиларга алоқадордир. Мил. авв. I асрларда юзўқчилар Хитойнинг шимоли-шарқидати қулдулардан хулғар томонидан сиқиб чиқарилгач, улар Қадимги Тохарияга тушди ва келиб жойлашиб, Юнон-Бактрия давлати биринчи забот этадилар. Эрамининг биринчи асрида юзўқчилар қадимги Бактрия/Тохаристонда Кушон давлатига асос соладилар. Юзўқчилар ўзларини «тохар» деб аташган ва шу этнос номидан Тохаристон топоними шаклланган [Гадуров Б. Г. История таджикского народа... С. 104]. Сугд тилидаги манбаларда ушбу тарихий вилоятнинг номи *trw' r' (taxt)* — ёки *trw' r' (taxt)* шаклида келтирилган. Тохаристонга ўз номини берган тохарлар грек

мамлакатнинг] шимол жануб томони чамаси минг ли, шарк ғарб томони эса чамаси 3000 ли узунликдадир. Шарки Цунг-линг тоғигача, ғарби Бо-ла-сы (Сосоний) [мамлакатигача] чўзилган, жануби Буюк Цю-шан³⁰⁸ га-ча,

манбаларида *Tochari* ва санскрит тилидаги манбаларда эса *Tukhara* деб номланган. Bailey H. W. Tokhara // Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. No. 2. London: 1970, Cambridge University Press. P. 121. <http://www.jstor.org/stable/25203201>; eal S. Si-yu-ki. Buddhist Records of the Western World, translated from the Chinese of Hsuen Tsiang (A.D. 629). In two vol. Vol. I. London: Ttibner & Co., Ludgeate Hill, 1884. 242 p; Vol. II. 37. IV асрда Кушон давлати таназзулга учрагач, Бактрия / Тохаристон худуди сосонийлар давлати таркибига ўтган. Хитой манбаларида эса Тохаристон номи Ту-хо-ло/Ду-хо-ло (Tu-huo-luo) шаклида берилган. Александрова Н. В. Путь и текст: китаёские паломники... С. 278. VIII асрдан эътиборан бир мамлакат номи сифатида Тохаристон учрамайди ва Тани суллоласидан кейин хитойча матнларда ҳам эслатилмайди.

³⁰⁸ Мазкур маълумот Сюан Цзан биографиясида ҳам жой олган. Сюан Цзан «Турк хоқонининг қароргоҳига борилди ва хоқон Буюк Цю-шаннинг шимолидаги 60 дан ортик мамлакатни бошқармоқда... Тохар мамлакатининг шарқида Цунг-линг тоғи ғарбиди сосонийлар ўлкаси, жанубида Буюк Цю-шан ва шимолида эса Темир Қапиг жойлашган. Жануби-шарққа тўғри Буюк Цю-шанда 700 лидан ортик юргандан сўнг Бомийн мамлакатига борилди. Бу ерда тилга олинган Буюк Цю-шаннинг (Қорли тоғ)нинг Хиндикуш эканлиги аниқдир. Буни тасдиқловчи бошқа манбалар ҳам бор. Сюан Цзан саёхатномасига кўра, Ҳаз мамлакатидан (Балхнинг жанубиди) жануби шарққа тўғри юрилса, Буюк Цю-шанга борилди. 600 ли юргандан сўнг Тохар мамлакатининг чегараларидан чиқилди ва Бомийн мамлакатига борилди. Бомийн мамлақати Цю-шанга жойлашган. Яна Сюан Цзанга кўра, Қапсаннинг пойтахтидан шимол-ғарбга тўғри 200 лидан ортик юргандан сўнг Буюк Цю-шанга борилди ва тоғнинг тепасида бир кўл бор. Тохар мамлақати Буюк Цю-шаннинг шимолидадир. Сюан Цзандан олдинги сайёҳлар ҳам тоғни шу шаклда таърифлаганлар. Сон Юн саёхатномасига кўра Вахон мамлакатининг жанубида Буюк Цю-шан жойлашган. Баъзи жойларида мутлақ ифодалар бор. Сюан Цзан биографиясига кўра, Буюк Цю-шанга киргандан сўнг

шимоли Тие-менгача етади. Фу-чу (Амударё) номли катта дарё бу мамлакатнинг ўртасидан ўтган ҳолда ғарбга тўғри оқади. Хукмдор сулоласи бир неча юз йилдир тўтатилган³⁰⁹ ва маҳаллий раислар хоқимиятни кўлга киритиш учун бир-бири билан шиддатли курашларга юртлишган. Ҳар қайси худуд раиси дарё ва тоғ каби

Непал мамлакатига борилди. Сюан Цзан биографиясига кўра, Непал мамлақати Буюк Цю-шаннинг ўртасидадир. Тарихий қайдлар ҳам Буюк Цю-шаннинг Хиндикуш эканлигини бевоситамоқда. Яъни Буюк Цю-шан Химолай тоғининг ғарбидадир. Фу-ли-ши-са-тан-на мамлакатининг узунлиги 2000 ли, кенлиги эса 1000 ли дир. Хукмдори турклардандир ва нефтахти Ху-пи-на (Қобулнинг шимолидаги Хулиан ёки Опан) шаҳридир. Шимоли-ғарбиди Буюк Цю-шан жойлашган ва ёзу-ни музлаб ётади. Куран (Афғонистоннинг шимоли-шарқиди) Кучир дарёсининг юқорисиди жойлашган), Тохар минтақаси билан чегарадошидир. Кенлиги 3000 ли ва жануби Буюк Цю-шан, шимоли эса Чу-лу дарёси (Афғонистоннинг шимоли-шарқиди) Кучир дарёси) билан чегарадош.

³⁰⁹ «Тохар хукмдорининг сулоласи бир неча юз йилдир тўтатилган», ибораси харҳолда эфғалийларнинг бу мамлакатни ишғол этиши ва хоқимиятни кўлга киритиши билан алоқали бўлса керак, деган фикрлар бор. Александрова Н.В. Путь и текст... С. 159. Ислоом манбаларига кўра, сосонийлар хукмдори Интигард II ўлимидан сўнг (438 й.) тахт учун курашлар авж олган бир пайтда, эфғалийлар (хайтал) номли бир сиёсий бирлик кўлул яқинида пайдо бўлади. Эфғалийлар Тохаристонни забт қилишлар. Маълумки, эфғалийлар Тохаристонни эгаллаши 484 йилда эфғалий хукмдори Вахшунворнинг сосоний шаҳаншохи Нерўни жангда ўлдирган даврга тўғри келади. У асрнинг сўнги йилларида эфғалийлар Тохаристонни сосонийлардан тортиб олиб ўз хоқимияти остига киритган ва Балхни сиёсий марказга айлантирган. Bregei. Yu. An Historical Atlas of Central Asia. Brill-Lieden-Voston: 2003. P. 12. Бизнинг фикримизча, харҳолда Сюан Цзан кайд қилган «тўтатилган Тохар хукмдори сулоласи» эфғалийлар эмас, балки кушонлар бўлса керак. Чунки, кушонлар аҳолини бир неча юз йиллар олдин таназзулга учраган. Демак, шундан кейин чиксақ, юқоридаги ибора остида сосонийлар номиндан тўтатилган кушонлар сулоласи сифатида тушунилса тўғрроқ бўлади.

стратегик хуудларни кўлга киритиб назорати остига олган, натижада мамлакат бўлиниб, 27 ўлка ҳолатига келиб қолган³¹⁰. Хар раис босиб олган хуудларнинг чегараларини белгилаб олиб, белгиланган хуудларга ҳоким бўлган бўлсада, уларнинг ҳаммаси туркларга тобедир³¹¹.

³¹⁰ Соан Цзанг саёхатномасининг Туркистон хуудига ер ажратилган I ва II бўлимига кўра, Тохаристон 27 та эмас, 29 та мамлакатга бўлинган. Соан Цзанг саёхатномасининг I-бўлимида Тожикистоннинг фарби ва Афғонистоннинг шимоли-шарқи, яъни Амударёнинг хар иккада куйи оқимидаги хуудда 16 та мамлакат зикр этилади. Амударёнинг шимолий куйи оқимида жойлашган Термиз, Чатониён, Карун, Шуман, Кубодиён, Хуттаи ва Кумед каби саккиз мамлакат билан Амударёнинг жанубий куйи оқимидаги Баглон, Руйи Самангон, Хулм, Ғузгон, Талекон, Ғаз ва бошқалар каби яна саккиз мамлакатга жой ажратилган. Соан Цзанг 664 йили Хиндистон саёхатидан қайтаётганда яна Тохаристон хуудидан ўтади ва ўз саёхатномасида кўпроқ Афғонистоннинг жануби-шарқида жойлашган 13 мамлакат тасвирига жой ажратган.

³¹¹ Турк хоқонлиги илк ҳукмдорларидан бири бўлган Муқан хоқон (553-572 й.) даврига келиб, аникроғи 555 йилда давлатнинг чегаралари муваффақиятли харбий юришлар натижасида янада кенгайди. Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Тошкент: ART-FLUX, 2010. 33-6. Хусусан, ушбу хоқон хозирги Мўғлистон ва Шимолий Хитой ерларда ташкил топган Жуан-жуан(авар?) давлатининг ҳукмдори Диншупэзини мағлуб қилиб, шарқда қилонлар (қоракхитой), шимолда *цигу* (Енисей кирғизлари), фарбда эса *и-да* (эфғалий)ларни хоқонликка бўйсундиради. *Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. М.-Л.: Изд. АН СССР, том I. 1950.С. 229; Е Луи-ли. История Государства Киданей (Цидань го чжи) / Пер. с кит., введение, коммент. и прил. В.С. Таскина. Москва: «Наука», 1979.С. 506-510; Бобоевров Ғ. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тизими. Тошкент: Янги нашр, 2012. 48-б. Юқоридегилардан келиб чиқсак, турклар ва эфғалийлар ўртасидаги илк тўқнашув ҳам Муқан хоқон даврида, 555 йилда*

Иклими намли, юқумли касалликлар ҳам кўп. Қишнинг охирида илк баҳорнинг бошларида давомли ёмғир ётади. Бир томондан, бу мамлакатнинг жанубидан Дин-то мамлакатининг шимолига қадар бутун мамлакатларда ҳам худди шундай касалликлар кўп. Будавий роҳиблари эса 16 декабрда истироҳат даврини бошлаб, 15 мартда тугалгайдилар. Бунинг сабаби ҳам [Тохаристон] иклимининг жуда ёмғирли эканлигидир. Бу ҳам диний ҳаёт ва таълимнинг мавсумий ўзгаришларига кўра мослашганидандир. [Бу мамлакатда яшган] халқнинг умумий хусусияти – уяччан ва кўрок бўлиб, кўрinishлари хунук. Ахлок ва одоб юзасидан оз болимга соҳиб бўлиб, сохтакорликни унчалик билпишмайди. Ўшқа мамлакатларга кўра тили фарқлидир. Ёзувлари 25 харфдан ташкил топган ва бу харфларни бир-бирига улаб бўла хосил қилинади. Ёзувлари чагдан ўнгга қараб ўқилади. [Бундай харфлардан ясалган сўз билан] ёзилган намунамоғлар ортиб бормоқда ва Су-ли ёзуви билан ёзилган маълумотларга кўра анча кўп³¹². Пахтали кийим-ларни кўп, юнгли кийимларни оз кийишади. Тижоратда олтин ва кумуш каби пуллардан фойдаланишади ва бу пулларнинг шакли бошқа мамлакатларникидан фарқ қилиди.

Фу-чу дарёсининг (Амударёнинг) шимолий куйи оқимини кечиб ўтиб, Та-ми мамлакатига борилади.

юлар бўлган, деб хулоса қилиш мумкин. Асосий ҳал қилувчи воқеалар юз берган иккинчи тўқнашув эса 558 йилда Турк хоқонлигининг иктидорли лидерларидан бири Истеми даврида юз берган. *Kirvanov A. The Northern: Archaeological and Historical analysis. Phd thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. Berlin, 2010. P. 185.*

³¹² Бу ерда қайд қилинган тохар ёзуви Шаркий Туркистоннинг жанубида топилган ҳамда талкикотчилар тарафидан А тохарча ва И тохарча сифатида номланган ёзувлардан фарқлидир. Тохаристон хуудлидаги кўлланилган ёзув қадимги Бактриядан бири давом этиб келатган қадимий юнончаннинг 24 харфига афғонтовушини кўпиш билан жами 25 харфдан ташкил топган.

Та-ми мамлақати

Та-ми мамлақати³¹³нинг шарқий-ғарбий томони 600 ми дан ортик, шимол-жануб томони эса 400 ми дан ортик кенликда. Пойтахтнинг айланаси 20 ми дан ортик. [Бу мамлакатнинг] шарқ-ғарб томони кенг, шимол-жануб томони тордир. Ўндан ортик ибодатхона, мингдан ортик роҳиб мавжуд. Бундан ташқари сеҳрли бронза кўзгуси ҳам бор³¹⁴.

³¹³ Термиз – Амударёнинг шимолий қирғоғида, яъни ушибу дарёнинг Сурхонга қуйилиш жойига яқин ерда жойлашган. Та-ми мамлақати Термиздир. Термиз бўлуғи Ўзбекистон ва Афғонистон чегара ҳудудларида ва Сурхон дарёсининг Амударёга қуйилувчи жойида, яъни дарёнинг қуйи оқимида жойлашган. [Бартольд В.В. Работы по исторической географии / Сочинения в 9 томах. Т. 3. Москва, «Наука», 1965. С. 504; Александрова Н.В. Путь и текст... С. 160. к. 294; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. Ташкент: Ўзбекистон, 1996. С. 101].

³¹⁴ Араб муаллифлари Табарий ва Ибн Хурдодбек берган маълумотларга кўра, исломгача бўлган даврда Терми хукмдорлари «термизшоҳ» унвони билан фаолият олиб борган. Мазкур ҳудудда сўнги термизшоҳ VII асрнинг иккинчи ярмида фаолият кўрсатган. 747 йида эса Та-ми (Термиз) мамлақати хукмдори *Hsieh-to* бошқа мамлакатлар хукмдорлари билан биргаликда Танг императорини зинбат қилиш учун сарофит таширф буюради ва унга император *Feng-shih Wang* унвонини беради Ekhem E. Hsüan-Tsang *Seuatchamesi'ne göte...* S. 141. Хукмдор *Hsieh-to* туркийча Сир бек бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, 704 йиллардан бошлаб Тохаристон туркларни арабларга қарши курашда Тибет империясидан ҳам ёрдам олган. Шу йили Тохаристоннинг стратегик шахри бўлган Термида турклар ва тибетликлар ўзаро иттифокчиликда арабларга қарши ҳаракатланганини кўриш мумкин. Beckwith I.C. *The Tibetan Empire in Central Asia: A History of the Struggle for Great Power among Tibetans, Turks, Arabs, and Chinese during the Early Middle Ages*. Princeton: Princeton University Press, 1993. P. 66. Арно манбаларида 702 йили Термиздаги араб ноибига қарши тибетликлар, хайтаглар ва туркларнинг иттифокчиликда қарин

[Бу ердан] шарққа тўғри Чи-го-ён-на³¹⁵ мамлақатига борилади.

Чи-го-ён-на давлати

Чи-го-ён-на мамлақатининг шарқ-ғарб марказининг ораси 400 ми дан ортик, шимол-жануб томони эса 500 ми дан ортик. Пойтахт майдонининг айланаси 10 ми. Бешта ибодатхона, роҳиблари жуда кам³¹⁶.

[Бу ердан] шарқ томонга қараб кетилса, Ху-лу-мо мамлақати³¹⁷га борилади.

инекани ҳам айтилган. Худайберганов Р.Т. Доистамский Мисеруннахр в арабоязычных источниках // Цивилизация Великого Шелкового пути из прошлого в будущее: перспективные направления, общественных, гуманитарных наук. Самарканд. 2017. С.394. Юкоридати маълумотга асосланиб, бу даврда Термизда турклар ҳокимияти мавжуд бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

³¹⁵ Сурхондарё водийсида Термиздан шимол-шарқда Чағонён вилояти жойлашган. Сурхондарё вилоятининг хозирги Олтинсой, Индеуи, Денов, Кумкўртон, Сарисоё ва Шўрчи туманлари илк ўрта асрлардаги Чағонён ҳудудини ташқил этган. Исломгача бўлган даврда, аниқроғи сосонийлар давридан бошлаб Чағонённи «чағонхудо» деб атаган маҳаллий хукмдорлар биланрган. Бартольд В.В. Работы по исторической географии ... S. 558; Spuler V. *Čağānīān // The Encyclopaedia of Islam*. New edition. Vol. II. Leiden: Brill, 1991. P. 1. Ҳозирги кунда ушибу вилоят ҳудудлар сулоласидан нумизматик материалларга кўра 3 та қумдориинг исми маълум [Дугаченкова Г. А. *Ривелидзе Э.В.* *Экспедиция в Бактрию - Тохаристан...* С. 132].

³¹⁶ Бундан Чағонённинг маркази бўлиб, Термиздан икки борбор кичикроқ бўлган. Отаҳўжаев А. Илк ўрта асрларда Марвалий Осие... 17-6.

³¹⁷ Ekhem E. Hsüan-Tsang *Seuatchamesi'ne göte...* S. 139. Александрова Н.В. Путь и текст... С. 160. ком. 300 Ху-лу-мо мамлақати хусусида талқикотилган орасида халигача ягона ёрда келинмаган. Хитой манбаларида Ху-лу-мо сифатида келтирилган мамлақатининг локализацияси хусусида ғарби вилоятчилар орасида яқлиг фикр бўлмасида (Ст. Мартин фикрича Хисори Шодмон, Х. Юл эса пойтахти Корателгин бўлган

Ху-лу-мо давлати

Ху-лу-мо мамлакатининг шарқ-ғарб марказининг ораси 100 ми дан ортқидир. Пойтахтининг айланаси ўн лидан ортқик. Хукмдори эса хису (hsi-su) ³¹⁸ туркларидандидир ³¹⁹. Иккита ибодатхонаси, юздан ортқик будданин

Гарма эканлигини илғари сурган. Yule H. Notes on Hwen Thsang's account of the principalities of Tokhatisan // JRAS, London, 1873. T.VI. P. 5) Э. Шаванн унинг Ахарун эканлигини айтган *Александрова Н.В.* Путь и текст... С. 160. ком. 298. Ху-лу-мо Амударёнинг шимолий тармоғи бўлган Кофирнинг дарёсининг юкори қисмида жойлашган ва араб манбаларида келтирилган Нарун ёки Ахарундир. В.В. Бартольднинг ислом манбаларида таянган ҳолда билдирган маълумотларга кўра, Сурхон билан Кофирниҳон водийларининг бирлашган текисликда ўрта асрларда Ахарун ёки Харун билан бирга шарқда жойлашган Шуман вилояти ҳам бор эди. VIII асрнинг бошларида хар иккала вилоят битта хукмдорнинг кўли остида эди, кейинчалик Чағониён билан бирлашди. 705 йилда Чағониён хокими душманлари бўлган Шуман ва Ахарун магилкарига қарши Хуросон волийси Кутайба ибн Муслимин ёрдамга чақиради. Соан Цзан тахминан 630-631 йилларда Ахарун ва Шуман мамлакатига таширф бурюганда, бу икки мамлакатнинг бошида хи-су туркларнинг қабиласидан бўлган бошқарувчилар турганини ёздади [Eckert E. Hsüan-Tsang's *Seuatchamesi'ne göte...* S. 139].

³¹⁸ *Chavannes E.* Sin қаулақлапта гёте... S. 218; *Александрова Н. В.* Путь и текст... С. 160. ком. 297; *Малыкин А.Г.* Танские хроники о государстве Центральной Азии. Тексты и исследования. Новосибирск: «Наука». Сиб.отд-ние, 1989. С. 292. ком. 779; *А.Асқаров.* Ўзбек халқининг келиб чикиши тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2015. 374-б. Ушбу туркий уруғ номига алоқадор бўлган «хису элтабар» сўгдий хужжатда бир марта эслатилган, *Grenet F., de la Vaissiere E.* The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. Kashiquta 2002. P. 177.

³¹⁹ Хи-су турклари бошқа хитой манбаларида учрамайди. Хису (си-су) турклари номи остида хитойчада қайси туркий қабилла тушунилганлиги номалълум. Соан Цзан саяхатномасини русчага таржима қилган *Н.В.Александрова хису (си-су) номига қабилла номи сифатида эмас, балки «қандайдир туркий хукмдор»* деб

роҳиблари бор. Бу ердан тўғри кетилса, Шу-ман мамлакати³²⁰га борилади.

Шу-ман (Ю-ман) давлати

Шу-ман мамлакатининг шарқ-ғарб томони 400 дан ортқик ли, шимол-жануб томони эса 100 ми дан ортқик. Пойтахтининг айланаси ўн олти ёки ўн етти лидир. Хукмдори эса эса хи-су (Hsi-su) туркларидандир. Иккита ибодатхонаси бор, роҳиблари жуда оз. [Бу ердан] жануби-ғарбга тўғри Фу-чу (Амударё) дарёсининг сохилларидан Цзюй-хэ-ян-на мамлакати³²¹га борилади.

ююк беради. «Шин Таншу»да «лу-лу Дама бошқаруви Шуман инқрида Цзесу давлати пойтахтида тавсис этилгани» ҳақида айтилади. Э. Шаванн фикрича, хису (си-су) ва Цзесу битта ўзининг трансскрипцияси хисобланади. Агар бу фикр тўғри деб олесак, у ҳолда хису (си-су) бир туркий қабиланинг номи эмас, Цзесу мамлакатига яшаган турклар маъносида келади. Аммо шикитномада у бир мамлакатнинг номи эмас, балки қабилла номи сифатида келади. Соан Цзангдан 100 йил кейин ёзилган бир маълумотда Цзесу мамлакат номи сифатида берилган. Яъни 742 йилда Цзесу мамлакати хукмдори А-те-ци Танг сулоласига болиқ тулаш учун юксам мартабали амалдор Кан-йен-тианни жулган. Умуман олганда, хитойчадаги хи-су (си-су) турклари қайси қабиллага нисбатан ишлатилгани хусусида яқдил фикр йўқ. Сўнгги тадқиқотларда уларнинг ўтузлар бўлгани ҳақида сўз юрилган. Хуллас, роҳибнинг иккала воҳа туркий уруғлар томонидан бошқарилгани ҳақидаги маълумоти жуда муҳимдир. Шунингдек, VIII аср бошларида тегишли хитой манбасига кўра, Шуман Тохаристон яёбуси кўли остидаги вассал хукмдорликлар қаторида санаб ўтилган.

³²⁰ Шуман мамлакати С. Билга кўра Шуман ва Кўлобдир. И.В.Бартольд Шуманнинг Ахарун ёки Харуннинг шарқда жойлашгани ҳақидаги фикри Соан Цзан қайли билан аини бўлиши мумкин. Шуман Кофирнинг дарёсининг юкори қисмида бўлиб, Тожикистон пойтахти Душанбенинг яқинида жойлашганлиги килинади.

³²¹ Цзюй-хэ-ян-на мамлакати санскритчадаги “Kuvāyāna”дир. Ноном манбаларида Кувобдён сифатида келтирилади.

Цзюй-хэ-ян-на давлати

Цзюй-хэ-ян-на мамлакатининг шарқ-тарб ораси икки юз лйдан ортик, шимол-жануб ораси уч юздан ортик ли. Пойтахтининг айланаси ўн лйдан ортик. Учта ибодатхона ва уч юздан ортик буддавий роҳиблари бор. [Бу ердан] шарқка тўғри Ху-ша мамлакати³²²га борилади.

Ху-ша давлати (Вахш)

Ху-ша мамлакатининг шарқ-тарб ораси 300 лйдан ортикдир, шимол-жануб томони эса беш юз лйдан ортикдир. Пойтахтининг айланаси 16 ёки 17 лйдир.

[Бу ердан] шарқка тўғри кетилса, Кэ-до-ло мамлакати³²³га борилади.

Тохаристон ябғуси На-ду-ни-ли-ни-ниг укаси А-ши-на Де-ле Пу-до томонидан кайюан йилининг 11-ойида (718 й.) хитой императорига ёзилган арзномада «бобоси, отаси ва шу пайтдаги хукмдорга қадар [бутун Тохаристон ябулларига] тегилли» вассал хукмдорликлар каторида Кубодиён ҳам эслатилади. *Chavannes E.* *Сin ylliklappa g'öte Vat T'inklet / S'evti M. Koc.* *Istanbul: Selenge, 2007. S. 259-260.* Аммо бу воҳода илк ўрта асрларда туркий сулолалар бошқаруви мавжуд бўлгани хусусида манбагарда бирор бир қайд йўқ. Гарчи шунга қарамай, Кубодиён тангаларида туркийларга хос бир неча элементлар мавжуд. Мазкур худуднинг VII-VIII асрларга оид тангалари сосонийлар анъаналари сезилади. Тангanning олд томонида сосоний хукмдори Хурмазд IV ning тасвири туширилган. Хукмдор тасвирининг ўнг ва чап томонида эса контрмарк ўрин олган ҳамда Фарбий туркларнинг «Ябғу хоқон» ва «Гун ябғу-хоқон» унвонли тангаларини «Учрайитган тамгага жулда ўхшайдиган тамга ва мазкур тангаларнинг бир қисмида жойлашган жуфт қилич кўринишидаги тамга тасвири жойлашган. *Vadvaar G.* *Kökittik Kağanlıgı sikkeleri... S.197.* Кубодиёнда халалар ҳам истикомаг қилганини хозирда ушбу худудда сақланб қолган халалар билан боғлиқ топонимларда ҳам кўриш мумкин.

³²² Ху-ша мамлакати, С.Билга кўра, Хаглон ва Шуманнинг шимолдаги Вахшидир. Араб манбагарда баъзан бир вилоят номи, баъзан бир шаҳар номи сифатида зикр этилади. Вахшоб Сурхон дарёсининг юқорисидати Лавканд (*Лавканд*), яъни бутунги Кўрғонтөпадир. Лавканд бутунги Кўрғонтөпа 10 км фарбидати жойлашган Ковунтөпа бўлиши ҳам мумкин. В.В.Бартольдга кўра, Кўрғонтөпа текислигини ўз ичига олган Вахш вилояти сиёсий тарафдан Хутталга тобе бўлган.

³²³ Кэ-до-ло мамлакати ислом манбагаридида келтирилган Хуттал ёки Хутталондир. Унинг бир қанча шаҳарлари Панж дарёсининг ортида жойлашган. *Aleksandrova N. V.* *Путь и текст... С. 161.* Хунбук шаҳри Хутталнинг пойтахти бўлган, унинг майдони 20 ми эди. Илк ўрта асрларда Хуттал хукмдорлари эроний унвон *Шери Хутталон* ёки *Хутталоншо*х унвони билан фаолият кўрсатган. Турклар эфталийлар устидан ғалабага эришгач, Хутталдаги маҳаллий хукмдор бошқарувида барҳам берилган ва қокимият турклар қўлига ўтган кўринади. Шунингдек, қўшалоқ унвонли тудун-тархон (737 й.) исми хукмдор ҳам Хутталда фаолият кўрсатгани маълум. 729 йилда Хуттал хукмдори Эркин (соф туркий унвон) ўғли Ку-ту-ших (Қу-ту-шин)ни Танг сулоласига жўнатган. 733 йилда хукмдор Элтабар Танг саройига ишлардан иборат мусикачилар гуруҳини юборгани маълум. Шу дингда катта бекардан бири бўлган Ту-по-ло тархон Танг сулоласига хирожни бериш учун жўнатилган. 752 йилда Танг сулоласи хукмдори хутталлик Ло-цзин-цзета Ябғу унвонини берган. Хуттал ёки Хутталон хукмдорларининг этник мансублиги номаълум бўлсада, уларнинг деярли барчаси туркий унвон билан фаолият кўрсатганини кўриш мумкин. Хусусан, 726 йилда саёҳат қилган Хой Чао Хуттал хақида маълумот берар экан, «хукмдор тукюзларнинг бошлангич уруғиди. Маҳаллий иқоли юзта уруғдан. Мамлакатнинг ярим аҳолиси худларди, қолган ярим эса турклардан» дея тавқиллайди. *Fuchs W.* *Huei-Chao's R'igezeitze durch Nordwest-Indien und Zentral-Asien um 726. Sitzungsberichte der Preussischen Akademie der Wissenschaften. Phil.-hist. Klasse. Berlin: Verlag der Akademie der der Wissenschaften, 1938. P. 452.* Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // *Вестник древней истории.* Москва, 1952. №1. С.189. 726-727 йили Асад ибн Абдуллох ал Касрий Хутталга бостириб қирати, бироқ унинг хужуми ас-Сабал ва Турк хоқони томонидан барбод қилинади. 737 йилда Асад яна Хутталга хужум қилади ва хутталликларга ёрдамга

КЭДОЛО ДАВЛАТИ

Кэдоло давлатининг шарк-фарб ораси мингдан ортик ли, шимол-жануб ораси эса 1000дан ортик ли узунликдадир. Пойтахтининг айланаси йигирмадан ортик ли. [Бу мамлакатнинг] шарки Цунглинг (Помир) тоғига уланган ва Цзюймито давлати³²⁴га борилади.

Цзюймито давлати

Цзюймито давлатининг шарк-фарб ораси икки мингдан ортик ли, шимол-жануб ораси эса икки юз лидан ортик узунликдадир. Буюк Цунглинг тоғининг ичиде жойлашган. Пойтахтининг айланаси 20 ли кенгликдадир.

келган Турк хоқони устидан галага қозонади. Ахмад ибн Йахйя ибн Джабир ал-Баглазурий. Завоевание Хорасана. (Извлечение из сочинения «Футух ал-булдан»). Перевод с арабского, предисловие, комментарии и указатели к.и.н.Г.Гойбова. Душанбе: Дониш, 1987.С. 91, прим. 272. Шу йили Асад яна Хуттапта хужум бошлайди ва унинг хукмдори Бадр Тархонга омонлик берди, кейинчалик хуфиёна ўлдирди. «Шин Таншу»да Ку-ту-ше-фу-ша шахрида курилган Као-фу хукумати хақида сўз боради..

³²⁴ Цзюй-ми-то мамлақати Кумеддир. С. Билнинг фикрича, Кумидха, Дарвоз ёки Рушондир. В.В. Бартольдга кўра, Кумеддир, Кумед Коратетининг Сурхон дарёси яқинларида жойлашган. «Янги Танг сулоласи тарихи»га кўра, Цзюй-ми мамлақати тоғларнинг орасида бўлиб, Тохарнинг шимол-шарки билан Хэйхэннинг шимолий куйи оқимидадир. Хукмдори туркларнинг янго (тардуш) уруғидандир. Демак, Кумедда туркийлар мавжудлиги аниқ кўрсатилган. Хитойга жўнатилган элчиликлар орқали Кумед хукмдори доимо арабларга оғир тўлов тулашга мажбур килингани сабабли унга ёрдам беришларини сураган. Фақат Танг сулоласи императори тасалли бериш билангина чекланган. Тан-бао (742-755 й.) даврида хукмдор Арслон эркин (соф туркий унвон) (И-си-лан Хэу-тин) Тан сулоласига от халы килган. Кумед вилоятти араблар назоратига олингандан сўнг, 719 йилда маҳаллий хукмдор Нараяна Танг сулоласидан ёрдам истаб мактуб жўнатгани хақида маълумот мавжуд.

Жанубий-ғарбий томони Фу-чу дарёси (Амударё)гача етади, жануб томони эса Шин-пин-ни давлати билан чегарадошдир. Жанубга тўғри Фу-чу (Амударё)дан ўтиб, Да-мо-си-тэ-ди давлати, Бо-ло-чу-ан-на давлати, Ин-бо-цзын давлати, Цюй-лан-на давлати, Си-мо-да-ло давлати, Бо-ли-хэ давлати, Ци-ли-сэ-мо давлати, Хе-ло-ху давлати, А-ли-ни давлати, Мэн-цзын давлатига борилади. Хо давлатидан жануби-шаркка тўғри Ко-си-до давлати ва Ан-да-ло-фу давлатига борилади³²⁵.

Фоцзялан давлати (Баглон)

Фоцзялан давлатининг шарк-фарб томонининг ораси ўн беш лидан ортик, шимол-жануб томонининг ораси эса икки юз лидан ортик узунликдадир. Пойтахтининг айланаси 10 лидан ортик кенгликдадир.

[Бу ердан] жанубга тўғри Хэлусиминцзын давлатига² борилади.

Хэлусиминцзын давлати

Хэлусиминцзын давлатининг айланаси минг лидан ортик, пойтахти эса ўн тўрт ёки ўн беш лидир.

[Бу ердан] шимол-ғарбга тўғри Ху-лин³²⁶ мамлақатига борилади.

³²⁵ Сюан Цзанг Хиндистондан Хитойга қайтар экан, яна бу хулуддан ўтади ва бу ерда зикр этилган мамлақатларга саёхатномасининг 12 бўлимида жой ажратлади.

³²⁶ С.Билга кўра, Ху-лин мамлақати Хулмдир. Мухим харбий ва сивдо маркази бўлган. Бу шахар хулди шу номдаги дарёнинг тор бир водийга туташган нуқтанинг яқинида пайдо бўлган. Фақат IX асрда ривожланган булунги Хулм ёки Тошкўрғон шахри эса ёки шахар харобаларининг бироз жанубида жой олган. Хиндикўшга борувчи йўллардан энг гавжум бўлгани Хулм водийсидан ўтган. Хулмдан икки кунлик масофада Симинжон жойлашган.

Хулйн давлати

Хулйн давлатининг айланаси 800 *лидан* ортик, пойтгахти эса 5 ёки 6 *ли* кенгликдадир. [Бу мамлакатда] ўндан ортик ибодатхона, беш юзтага якин буддавий рохиби бор. [Бу ердан] ғарбга тўғри Фухе³²⁷ мамлакатига борилади.

Фухе давлати

Фухе давлатининг шарк-ғарб томони саккиз юз лйдан ортик, шимол-жануб томони эса 400 *ли*, узунликдадир. Шимол чегараси Фучу дарёсига (Амударё) уланиб кетади. Пойтахтининг айланаси 20 *ли* ортик кенликда. Инсонлар бу шаҳарга Кичик Вангше шахри (Ражагриха шахри) деб ном берганлар. Бу шаҳарда яшаш учун ер кенг бўлганлигига қарамай, ўтрок аҳоли жуда кам. Тупроғида турли нарсалар етиштирилади. Сувда ва қуруқликда етиштириладиган гул турларини санаш жуда кийин. [Бу мамлакатда] юздан ортик ибодатхона, уч мингдан ортик буддавий рохиблари бор. Ҳаммаси Хинаяна мазҳаби қабул қилганлар.

Нафу ибодатхонаси

Шаҳар ташқарисида, жануби-ғарбда Нафу (Танг хонадонининг тилида «янги» демақлир) рохиблар ибодатхонаси бор, ибодатхона бу мамлакатнинг қадимги бир ҳукмдори тарафидан қурилган. Катта Пюшан (Хиндикуш)нинг шимолӣ худудларида жойлашган

³²⁷ Таджикотчинлар Фухе мамлакатининг Балх эканлигини қабул қилганлар. Ҳам мамлакат, ҳам шаҳар номи бўлган Балх мил. авв. биринчи асрдан эътиборан ислом даврига қадар Ўрта Осиёда буддавийлик маркази бўлган. Бу худуд Бактрия, қатта юзҷилилар, кушон, эфталлийлар ва Тохаристоннинг пойтхати бўлган. Санскритчада Бахлика, юнончада Бактра, эски форсчада Бактриш ва ўрта форсчада Бомик шаклида келтирилиди.

Састра усталари фақат бу ибодатхонада устунлар ўрнатган ва бутунга қадар ушбу Састра усталарининг ўрнини эгаллай оладиган одам чиқмаган. Ибодатхонада жойлашган Будда хайкали турли безаклар билан безатилган. Ибодатхонанинг қиравериш девори ва устунлари ҳам кимматли ашёлар билан безатилган. Шу сабабдан бошқа мамлакатларнинг ҳукмдорлари бу кимматли ашёлари қўлга киритиш учун [тез-тез бу ибодатхонага] хужум уюштирадилар. Ибодатхонада азалдан Би-ша-мен Тангрисининг (Ваиправана дева) хайкали жойлашган. Сўнгги даврларда турклардан қайқали бир Ябғу хоконнинг ўғли Суу ябғу хокон³²⁸ [бу ибодатхонада жойлашган] бойликларга эга бўлиш учун бутун қавмларини жалб қилиб, кўшинга ўзи кўмондон бўлиб, ушбу ибодатхонага босқинчилик уюштиради. Бу ибодатхонага якин бир соҳада [кечани ўтказмок учун] тунаб қолади. [Суу ябғу хокон] шу кеча тушида Би-ша-мен Тангрисини кўради ва Би-ша-мен Тангриси [хокондан шуларни] сўрайди «Сен қайси қучга таяниб, ибодатхонани йқишига жасорат топдинг?». Сўнг ўзининг узун бир найзаси билан кўксидан орқасига қадар санчилиб тилинганини кўрди. Хокон тушидан кўрқиб уйғонди ва кўксининг ачпишётганлигига тувох бўлади.

³²⁸ Суу ябғу хоконнинг ўлими санаси хусусида аник бир фикрга келинмаган. Тарихий манбаларга кўра, Суу ябғу хокон тахт учун қурашларда исёнчиларнинг босқини натижасида Канг-чи мамлакатига қочган ва бироз кейинроқ у ерда тушқунлик натижасида вафот этган. Ўрнига Ту-лу хокон ўтирган. Ту-лу хокон 633 йилдан бошлаб Танг манбаларида учрай бошлайди. Шунга кўра, Суу ябғу хокон 633 йили ёки ўндан аввалроқ вафот этган бўлса керак. Э.Шаваннга кўра, бу қайдларда хаттолик мавжуд бўлиб, Сюан Цзан саёҳатномасида келтирилган маълумотлар тўғридир. Яъни Суу ябғу хокон 633 йилда эмас, 632 йилда вафот этган. «Будда даври тарихи» номли китобда жой олган маълумотларга кўра, Сюан Цзанг 633 йилда Кичик Ражагрха (Балх) шахрига борган ва бу даврда Суу ябғу хокон вафот этган эди. Фақат Суу ябғу хоконнинг қаерда ва қайси шаклда вафот қилгани ноъмаълум.

Ушбу тушнинг тавбирини билиш учун ўзининг амри остидагиларга билдиради ва [бу тушни тавбирини англатиш учун] роҳибларни ёнига келтириш учун ўз одамларини жўнатади. [Хокон] бутунлай пушаймон бўлиб, тавба килиб [чакиртирган роҳиблар келмасдан] вафот этади.

Бу ибодатхонанинг жануб томонида Будданинг ҳаммом қабул қилиш учун фойдаланган хажми бир тоудан (10 литр) ортик бўлган бир идиш бор. Номининг айтилиши кийин бўлган қимматли тош ва олтинлар билан безатилган бу идишдан чиқаётган ранго-ранг нурулар кўзни камаштиради.

Жўймоतो давлати

Жўймоतो давлатининг шарқ-ғарб томони эллик ёки олтимиш ли, шимол-жануб томони эса 100дан ортик ли узунликдадир. Пойтахтнинг айланаси 10дан ортик ли кенгликдадир. Жануби-ғарби томонга юрилса Ху-ши-цзян мамлакати³²⁹га бориш мумкин.

Хушицзян давлати

Хушицзян давлатининг шарқ-ғарб томони юз лидан ортик, шимол-жануб томони эса 100 ли узунликдадир. Пойтахтнинг айланаси 20 ли кенгликдадир. Тоғ ва дарёлар кўлдир. Яхши отлари бор. Шимоли ғарбидан Далацзян мамлакати³³⁰га борилади.

³²⁹ Талжикотчилар Ху-ши-цзян мамлакатининг Ғузгон ёки Ғузгонон эканлиги хақида умумий бир фикрга келгандир.

³³⁰ Талжикотчилар Далацзян мамлакатининг Талекон эканлиги билдиришди. Ислоом манбаларида Кундуэга 65 км узокликдаги Талекон бутунги кунда ҳам ўз номини сақлаб келган ва ўз даврида Тохаристоннинг энг муҳим шаҳарларидан бири бўлган. Бу шаҳарнинг катталлиги Балхнинг учдан бир қисмига тенг бўлган. «Янги Танг сулоласи тарихи»да жой олган Tuο-le-shen Э. Шаванн тарафидан Кундуэнинг шарқида жойлашган Талекон эканлиги айтилган.

Далацзян давлати

Далацзян давлатининг шарқ-ғарб томони 500 лидан ортик, шимол-жануб томони эса 50 ёки 60 ли узунликдадир. Пойтахтнинг айланаси ўн лидан ортик кенгликдадир. Ғарби Поласи (Сосоний) мамлакатининг чегараларига етади.

Фу-хе (Балх) давлатининг жанубга тўғри юз лидан ортик юрганган сўнг, Цзечжи давлати³³¹га борилади.

Цзечжи давлати

Цзечжи давлатининг шарқ-ғарб томони юз лидан ортик, шимол-жануб томони эса 300 лидан зиёд узунликдадир. Пойтахтнинг айланаси 4 ёки 5 ли кенгликдадир. Тупроқлари қаттиқ ва унумсиздир, тепалар ва тепаликлар бир-бирини тавқиб қилган ҳолда ёйилган ҳолатда. Гуллар ва мевалар оқдир, энг кўп ловия ва бугдой учрайди. Иқлими совуқ, халқи кўпол. Ўндан ортик ибодатхона, уч юздан ортик роҳиб бор, ҳаммаси Хинаяна мактабининг Сарвастида тарикатини қабул қилгандир.

³³¹ Талжикотчилар Цзе-чжи мамлакатининг Ғаз эканлигини тахмин қилдилар. Бактрий тилидаги хужжатларда ҳам Ғаз тарихи билан боғлиқ маълумотлар мавжуд. Бу воҳада туркийларнинг солтқ йиғувчиси тепишли *тудун* унвонли амалдор хақида бактрийча хужжатларда айтилган (Дос. S) (*отротордо* ва *уаџо таџаво*). Маълумки, 630 йилларда Тун ябғу-қоконининг ўғли Тарду шад томонидан Тохаристон Ябғулиптига кесел солинган пайтда юкорида номлари тилган олинган Руб ва Ғаз каби хокимликлар ҳам унинг тарқибига кирган эди. Демак, бактрий хужжатларида келтирилган маълумотга асосланиб, Руб, Ғузгон ва Ғазда маҳаллий бошқарув сақланиб қолинган бўлса-да, улар тудунлар воситасида турклар томонидан назорат қилинган деган хулосага келиш мумкин.

Катта Цюшан

[Бу мамлакатдан] жануби-шаркка тўғри Катта Цюшан (Хиндикуш тоғи)га борилади. Тоғ баланддир, водий эса чуқурдир. Юксам қоялар жуда таҳликали. Шамол билан қор аралаш холда тинимсиз эсади. Ёзин-кишин музлаб ётади. Қоялар тўпганиб қолган қорлар билан қопланган, дараалар мавжуд бўлган тор йўллاردан юриш жуда қийин. Устига-устак тоғ жинлари ва руҳлари ёвуз хунарларини жўнатади. [Тоғ йўлидан] 600 мидан ортиқ йўл юргандин сўнг, Ту-хо-ло давлатининг чегараларидан чиқиб, Фан-йен-на давлати³³²га борилади.

³³² Таджикотчилар Фан-йен-на мамлакатини Қобулнинг шимоли-ғарбида жойлашган Бомиён эканини илғари сургандлар, Санскритчада Бомияна ва ўрта асрлар эрончасида Бамикан сифатида келтирилади. В.В. Бартольднинг таджикотиға кўра, араб манбаларида энг кўп ал-Бомиён сифатида келтирилган бу хулуд Хиндикуш тоғининг энг чўкки қисмининг шимолида, Амударё ва Хинд хавзалари орасида, энг муҳим йўللاردан бири ўтувчи водийда ва денгиз сатҳидан 2545 мил баландликда жойлашган. Бомиён бутунги Қобулнинг 150 мил ғарбидадир. Тарихда Бомиён водийси Амударё хавзасига оид ва Бомиённи Қобулдан ажратувчи бўғозлардан (Хулм ёки Кундуз) янада баланд бўлсада, шахар бошқарув тарафдан кўпроқ Амударё хавзаси хулудларига эмас, Қобул ёки Ғазнага боғлиқ бўлган. Сюан Цзан ҳам Тохаристон чегараларидан чиққанган сўнг, Бомиён мамлакатига борилишини қайд қилган. «Янги танг сулоласи» тарихига кўра, Бомиён тоғининг ёнида жойлашган, Шимоли-ғарбида Ғузгон мамлақати, жануби-шаркида Каписа мамлақати, жануби-ғарбида Арохасия мамлақати жойлашган ва Тохаристон билан ҳамхулуддир. Икшими совуқ ва инсонлари ғорларда яшайди. Хукмдори Луо-дан жойлашган. Тўртта ёки бешта шаҳри бор. Дарё шимолга тўғри Амударёга куйилади. Хой Чао саяхатномасидаги маълумотга кўра, Бомиён мамлакатининг хукмдори хуллардан бўлиб, ҳеч бир мамлакатга боғлиқ эмас эди. Хитой манбаларидаги 718 йилга тегишли бир маълумотга кўра, Бомиён хукмдори Хиндгача бўлган бошқа хукмдорлар каби Тохаристоннинг туркий ябғусининг вассали

Фанйенна давлати

Фан-йен-на давлатининг шарқ-ғарб томони икки минг мидан ортиқ, шимол-жануб томони эса 300 ми ўзунликдадир. [Бу мамлакат] Цю-Шанда (Хиндикуш тоғи) жойлашган. Инсонлар тоғ ва водийнинг физик мувофиқлигига таяниб шахар қурган ва шу шаклда ишайдилар. Ҳузунлиги 6 ёки 7 ми бўлган пойтахти эса бир қишлоқ ва қоғлиқ устида қурилган, ташқарисини шимолга тўғри баланд бир қишлоқ қоплаган. (Бу мамлакатда) тул ва мевалар оздир, қишлоқ бўғдойлари бор. (Тупроғи) чорвачилиқ учун қулай ва от ҳамда қўйлар кўп. Икшими совуқ ва оғир, одамларининг хусусияти ҳам баджаҳл, ҳам кўпгол. (Халқ) тери ва юнгли газламалардан тикилган кийимлар қияди, бу ҳам уларнинг иқлимига мос. Ёзувлари, анъаналари ва ишлатадиган пуллари Тохар давлати (Тохаристон) билан бир хилдир. Қўринишлари ҳам ўхшайди, фақат тили биров фарқлидир. Динлардан тоза қалб билан ишонишади ва кўшни ўлкалардан фивкулудда фарқлидир. Триратнадан турли авлиёларга қилар истисносиз (бутун тангриларга) чин юракдан хурмат қилган холда сигинишади. Кетиб-келган тижоратчилар бу ерда тангридан омад тилаб, дуо ўқийдилар. Унга яқин ибодатхона, бир қанча минг роҳиб бор. Хаммаси Хинаяна мазҳабининг Докаттара-вадин парикатини қабул қилганлар.

Бўлган. Таджикотчи Н.А.Балоч фикрича, Бомиён бошқарув-чилари Қобул хукмдорларига қариндош бўлган туркий хукмдорлардан бўлса керак. VI-VIII асрларда Белужистон (Нокистон) ва Афғонистон хулуддининг кўпчилигида туркий қибилалар мавжуд бўлган. Шунингдек, араб манбаларида Хуттал хукмдорининг «асли Бомиёнлик тулун-тархон» шаклида келтирилиши ҳам диққатга сазовордир.

Цзябиши давлати

Цзя-би-ши давлати³³³ нинг айланаси 4000 мидан орттик кенгликдидир. Шимоли Хиндикуш тоғига бориб таянади,

³³³ Таджикотчилар Цзябиши мамлакатининг Каписа эканлигини тасдиқлаганлар. Мил. авв. V-IV асрларда Каписа ва Ахамонийлар хукмдори Доро (м.ав. 552-486) даврията оид Бехистун ёзувида Цзябиши Капиш сифатида келтирилган. А. Кеннигхэмнинг таджикотига кўра, агар Сюан Цзан берган маълумотлар тўғри бўлса, Каписанинг бошқарув хулди Кофиристоннинг бутун қисми ва Ғўрбан билан Панжшир дарёлари қоллаб олган минтақаларни ўз ичига олган. Бутунги Беррам Каписа мамлакатининг пойтахти бўлган. Бу ер хукмдор Канишканинг ёғти пойтахти эди. Ғарбий Турк хокони Тун яёбу хокон Каписа мамлакатини ўз хокимияти остига олган. Э.Шаваннга кўра, Гандхара ҳам Каписага тобе эди. Каписа мамлақати Суй сулоласи даврида Хитой билан яқин муносабатлар олиб боришга ҳаракат қилган. 719 йилда Танг сулоласига соғта жўнатган ва Каписа хукмдорига Ке-лю-та-сһи (Арохас) Тегин унвои берилган. Бу даврларда Каписа мамлақати кўшни мамлакат Зобулистондан ўрناق олиб, арабларга қарши ҳаракат қилган. Хиндистондан 727 йилда Куьарга борган роҳиб Хой Чао анча аввал Каписа мамлақатидан ўтганда, бу мамлакатнинг турклардан бўлган Гйбин хукмдори тарафидан идора этилгани ва Каписа хукмдорнинг ёғти қароргоҳи, Гандхара эса кишки пойтахти эканлигини ёган. 739 йилда хукмдор Wu-sen Te-le Sha (Wu-sen Tekin Shad/Xuroson Tegin шох) қариб қолгани учун хокимияти ўғли Fo-lin Chi-roга берилиши хоҳлаган, бу эса Танг сулоласи тарафидан маъқулланган. 745 йилда хукмдор Бо-фу-зун отасининг ўрнига тахтга ўтириб, Каписа ва Удяна мамлакатининг (Хинд дарёсининг юқори қисми ва Сват хулуди) хукмдори бўлган. Бунга кўра, у туркийларнинг хулуди фақат Темир Каппкача эмас, унинг жанубидати Каписа ва Каписанинг жануби Удяна билан жанубидати Гандхара каби янада кенгрок хулудларга хоким эди. Сюан Цзанг бу мамлакатга таширф буюрганда (632-633 й.) хукмдорларнинг маҳаллий халқдан бўлган, VII асрнинг иккинчи чорагидан эътиборан эса хукмдорлари туркийча унвоилар билан майдонга чиқа бошлаган. Роҳиб У-хун 753

бошқа уч томони эса Hei-ling тоғларига қадар чўзилган. Пойтахтининг айланаси ўн мидан орттик кенгликда. Тўлроғи бугдой каби донларни етиштиришга қулай. Мевалар ва дарактлар кўп. Яхши от ва лола мавжуд. [Мамлакатнинг] турли хулудларида мавжуд бўлган ожойиб моллар асосан бу ерда туғилган. Иқлими совуқ ва изғиринли. Аҳолиси ваҳший ва қўпол. Ганлашадиган тили хунжук ва ғализ. Ёзувининг асоси Тохаристон мамлакатиникига ўхшайди. Фақат урф-одатлари, дини ва мданияти эса [Тохаристон] мамлакатиникидан фарқлидир. Кийиш учун юнгли ва пахтали газламалардан фойдаланадилар ва тери либослар ҳам қилдилар. Савдода олтин, қумуш ва қичик бақир тангаларни ишлатадилар. Тангаларнинг шакли билан унлуги мотивлар бошқа мамлакатларникидан фарқлидир. Хукмдори Су-ли (суғд?) уруғидан. Аклли ва [сиёсий ўйинларда] улдабурун, жасур ва кучлидир. Қудрати тўрт томонни кўрқитишидир ва ўнга яқин мамлақатни бошқармоқда. [Хукмдор] халқини севади ва унга шафқат кўрсатади. Трипатнага хурмат ва эътибор бағишлайди.

Цаоцзюйто давлати

Цаоцзюйто ³³⁴ (Жағуда, Зобулистон) давлатининг атрофи ортиги билан 70000 ли квадратдир. Пойтахтининг

нолида Гандхарада турк шахзодаси тарафидан қурилган Те-сһи Shu (Тегин шох) ва туркий малика Ке-һо-тин (Хотун) томонидан қурилган Хотун ибодатхонасини каби туркий амалдорлар қурдиргани тахмин қилинган меъморий обидаларни кўриши мумкин.

³³⁴ Цао-цзюй-то сифатида ўқилади ва бу ўлка Зобулистондир. Бу мамлакатнинг санскритча ўқилиши Жағуда ва ислом минбағларидати Зобулистон экани маълум. Жағуда номи «Ғалийлар даврида Афғонистоннинг Кобул ва Кандаҳор орасидаги вилоятга берилган бир ном сифатида маълумдир. Кобулнинг 150 километр жанубида жойлашган. Хитойча тирхий ва буддавий асарларда Ts'ao мамлақати, Ts'ao-li мамлақати, He-ta-luo-shih (Арохас) мамлақати, Се-ной мамлақати,

She-hu-luo-sha-t'a-na (Жағуадавәрүхана) мамлақати шаклида ёзилган. «Янги Танг сулоласи тарихи»да ўрин олган қайдлар кўра, Се-ной мамлақати Тохаристоннинг жануби-ғарбида жойлашган. 656-660 йилларда номи Хэдаложки (He-ta-lou-shih)га алмаштирилган. Киричча У-хо (684-704 й.) бу мамлақатга Hsieh-yü номини берган. Шарқлаги Гибин (Каписа) ва шимоли-шарқлаги Фан-ян-на (Бомйён)га 400 *ли* масофададир. Жанубда Хиндистон мамлақати, ғарбида сосонийлар ва шимолда Hu-shih-shien (Ғузгон) мамлақатлари жойлашган. Хукмдори Хэ-си-на (Ғазна) шахрида яшайди. Ери 7 минг *ли* квадрат. Баязан хукмдор A-sha-ni шахрида (Ғуэра, Ғузористон) ўлкасини бошқаради. Бу ўлкада зирavorлар ва chu ўти (санскритча хиңгу, лотинча Asa Foetida) кўп. Дарё ва чашма суви билан далаглар сўғорилади. Мамлақатда турклар, каписалиқлар ва тохарлар қоришиқ ҳолда яшайди. Каписа мамлақати хукмдори уларнинг кўшинидан фойдаланиб, арабларга қарши ҳаракатлар уюштиради. Кейинроқ бу мамлақат Каписа мамлақатига бўйсундирилади. 720 йилда Танг сулоласи императори, Се-ной мамлақати хукмдориға Ке-та-лю-сһиһ Shi-i-fa (Элтебер) Shih-sh'i-erh унвоин беради. Тан-бао салаганат даврининг (742-755 й.) ўрғаларига қадар император саройига бир неча марта солиқ ва совғалар тортиқ қилган. 727 йилда Хиндистондан Танг сулоласига қайтиш арафасида Кучарга етиб борган рохиб Хой Чао, кейинроқ ёзилган саёхатномасига кўра, бу мамлақатнинг хукмдори ва кўшини турклардандир, фуқаролари эса маҳаллий халқлардандир, деб ёзган. У ҳолда Се-ной мамлақати хукмдори бўлган Ке-та-лю-сһиһ Shi-i-fa (элтабар) Shih-sh'i-erh турклардан бўлган, дегани хулосага келиш мумкин. «Янги Танг сулоласи тарихи»да бу мамлақатнинг номи He-ta-lou-shih мамлақати сифатида келтирилган ва бу номнинг ҳарҳолда мамлақатнинг хукмдори бўлган Ке-та-лю-сһиһ номидан олинган бўлса керак. Э.Шаваннга кўра, Ке-та-лю-сһиһдан Каписа хукмдори Ке-та-лю-сһиһ Тетин билан айнан бир кишидир ва хитойча матнда янглишлиқ мавжуд бўлган. Ке-та-лю-сһиһ эса араб манбаларида келтирилган Зообулистоннинг Ароҳас деб номланган худудининг хитойча ўқилишидир. Ке-та-лю-сһиһ билан Ке-лю-та-сһиһнинг бошқа-бошқа кишилар экани кўринади. Бирок, Э.Шаванн 711 йилда Се-ной мамлақатининг Каписа мамлақатига тобе бўлганига таянган ҳолда, Танг сулоласи тарафидан унвонлангирилган кишининг фақат Каписа хукмдори бўлгани ва биливосита Ке-та-лю-сһиһ билан Ке-лю-та-сһиһ айнан бир киши бўлганини ёзган.

номи Хэ-си-на³³⁵ дир, бу шахар ортиғи билан 30 *ли* кенгликдандир. Хукмдор баязан Хэ-са-луо³³⁶ шахрида яшайди, бу шахарнинг кенглиги ортиғи билан 30 *ли* квадрат. Бу икки шахар стратегик мулофаа хусусиятига эга ва мустахкам. Мамлақат тоғ ва водийлардан ташкил топган. Дала худуди катта ва курук. Экин ишлари мингаканинғ иқлим хусусиятларига кўра қилинади, кишки бугедай хосили жууда катта. Ут ва дарахтлар, гуллар ва мевалар мўл. Тупроғи зирavor ўсимлиқлар учун қулай. Hsing-sh'ü³³⁷ ўсимлиғи ҳам ўсади. Бу ўсимлиқ тури Луо-мо (Хилманд) Хинд дарёси бўйларида ўсади. Хэ-си-на (Ғазна) шахрида ариқлар кўп, маҳаллий халқ далани сўғормок учун бу сувлардан фойдаланади. Мамлақатнинг иқлими совуқ ва кескин, қор кўп. Инсонлари енгил, деғбий ва хийлақор. Санъат ҳақида маълумотлар олишини ёқтирадилар. Хунарли кишилар кўп. Фикрловчан, аммо иқли эмаслар. Хар куни мингларча сўзни ўқиб ёд ола биллишади. Ёзув ва тили бошқа мамлақатларникидан фарқланади³³⁸. Одамлар ўзларига чиройли оро берадилар, аммо бекорчи гаплар сўзлайди, дангаса инсонлардир. Бир

³³⁵ «Янги Танг сулоласи тарихи»да ҳам хукмдорнинг Хэ-си-на шахрида яшгани ёзилган. Талкикотчилар бу худудни Кобул шаҳрининг жанубида 155 км узокликда жойлашган Ғазна шахри номини таъкидлайдилар.

³³⁶ Бу жой Хилманд дарёсининг куйи оқимида жойлашган Ғуэра ва Ғузористон экани айтилган.

³³⁷ Санскритчада Hingu, лотинчада Asa Foetida номи берилган грамм саримсоққа ўхшаш бир тур ўсимлик. Хитой манбаларида бу ўсимлиқнинг Хўтанда ўсиши ёзилган ва хўтанликлар бу ўсимлиқнинг илдизини ейдилар. Буддавийлар ейлган нарсалар билан алоқадор асарларда бу ўсимлик ўткир хилли бўлгани учун ёши тур тақия ичиди жой олган.

³³⁸ Мингтақада қайси тилда гаплашилгани ва қайси ёзувнинг қулинили ҳақида Сюан Цзанг ортиқча маълумот бермайди. Фақат VIII асрнинг бошларида мингтақада турклар, каписалиқлар ва тохарлар каби бошқа халқлар бир жойда яшганига кўра мингтақада аралаш тилда сўзлашилган бўлиши мумкин. Ушбу худудда жула аввалдан қадимги тохарлар яшган ва ёзув тили нингта бир эхтимол билан тохарлар билан боғлиқ бўлса керак.

